БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № 231 (18.109). • 6 октябрь 1981 йил, сешанба • Баҳоси 2 тийин.

Олтмиш йилликка—олтмиш зарбдор ҳафталик!

СССР 60 ЗАФАРЛАРИМИЗ—ЮБИЛЕЙГА!

ЖАНГОВАР СЎЗ ҚУДРАТИ

Терим долзарб паллага кирган бир пайтда ўз ўрнини пахтазорда, одамлар орасида, улкан хирмон бунёдкорлари сафида деб билган агитатор ва лекторлардан, пропагандист ва сиёсий ахборотчилардан, барча идеология фронти жангчиларидан беҳад миннатдормиз. Улар ўзларининг жўшқин сўзлари, далилларга бой, илҳомбахш суҳбатлари, жасоратга ундовчи учрашувлари билан бизга беқиёс ёрдам бермоқдалар. Терим суръати кўтарилиб, биз кундан-кунга кўпроқ пахта топшираётган эканмиз, бунда уларнинг ҳам муносиб улуши бор — деб ёзади Ворошилов район партия комитетининг биринчи секретари Раҳмат Хотамов.

Дарҳақиқат, КПСС XXVI съездида таъкидланганидек, партия фикрларини оммага етказиб, унинг сиёсатини тушунтириб бераётган кишилар — лектор ва агитаторлар ,сиёсий ахборотчилар ғоят фойдали ва керакли иш қилмоқдалар. Улар бу ишни муқаддас партиявий топшириқ деб биладилар ва уни сидқидилдан адо этиб келмоқдалар. Улар бу ишни асосий ишлардан ташқари, бўш вақтларида ихтиёрий равишда олиб борадиларки, бу ҳар қанча таҳсин ва мақтовга лойиқдир.

Когон районидаги Низомий номли мактабнинг ўқитувчиси Муҳаммад Эргашев районда энг тажрибали ва баобрў муаллимлардан ҳисобланади. Шу боисдан ҳам у Ўзбекистон ўқитувчиларининг VI съездига делегат қилиб сайланди. Бугина эмас. Уни қишлоқда жанговар сўз устаси, энг яхши агитатор сифатида ҳам танишади. У «Когон» совхозидаги Содиқ Ҳолиқов бошлиқ бригадада мана неча йилдирки, агитаторлик қилади. Уларнинг ўз одамига айланиб кетган. Чунки агитатор ҳамиша бригада аъзоларининг ташвиши билан яшайди. Долзарб дамларда уларнинг ёнларида бўлади. Муҳим воқеалар ҳақида суҳбатлар ўтказади. Мана шу қисталанг кунларда у бригада аъзоларининг ташвиши билан елиб-югуриб юрганини кўриш мумкин.

Эндиликда ҳамма нарса, бутун куч-ғайрат терим муваффақиятини таъминлашга қаратилган бир пайтда партия ташкилотлари ўзининг жўшқин фаолияти билан эл ўртасида катта обрў-эътибор топган энг яхши кучларини — идеология фронти барча жангчиларини терим тақдири ҳал бўлаётган жойларга сафарбар этишни ниҳоятда муҳимдир. Негаки, ташкилотчилик иши план ва мажбуриятларнинг бажарилишини идеологик жиҳатдан таъминлаш билан мустаҳкам қўшиб олиб борилган тақдирдагина теримда ўсишга, муваффақиятга эришиш мумкин.


Партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотлари оммавий-сиёсий ишнинг барча форма ва методларини янада такомиллаштириш, уни ҳаётга яқинлаштириш, тобора тушунарлироқ, таъсирчанроқ бўлишига эришиш учун ҳамма чора-тадбирларни кўраверишлари керак. Ғалаба марраси сари дадил бораётган Ғиждувон, Киров, Ғалаба, Бўка, Комсомолобод районларининг партия комитетлари план ва мажбуриятларни бажаришга қаратилган кўп қиррали ташкилий тадбирларни амалга оширишда бир қаторда оммавий-сиёсий ишларни юксак даражага кўтарганликлари туфайли ҳам теримда ана шундай юксак суръатни таъминламоқдалар. Бу районларда иш олиб бораётган энг яхши идеология фронти жангчиларининг ўзига хос хислати шундаки, улар терим суръатини кўтариш имконини бераётган ҳар битта янгиликни, ҳар бир яхши тажрибани ўз вақтида илғаб олиб, уни ҳамманинг мулкига айлантирмоқдалар, бутун районга оммалаштирмоқдалар. Улар нанки руҳлантирувчи, жанговар сўзлари билан, балки шу куннинг қаҳрамонларни тажрибасини кенг ёйиш ташаббускорларни бўлиб чиқаётганликлари билан ҳам умумий ишга ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшмоқдалар.

Агитаторнисан — ҳар бир янгиликнинг ташвиқотчиси бўл, ундан кўпроқ теримчилар баҳраманд бўлсин, ҳамма шу усулда ишлаб хирмонга барака киритса олсин. Лоқайд одам агитатор бўла олмайди. У биринчи навбатда янгиликни ҳис қила билиши, кенг кўллаб-қувватловчи бўлиши керак. Идеология фронти жангчиси камчиликларга муросасизлиги, лоқайдликка тоқат қила олмаслиги билан ажралиб туради. У камчиликларни «Чақмоқда танқид тиғи остига олиб, терим илғорларини «Жанговар варақа»ларда шарафлар экан, бу билан керакли ва фойдали иш қилаётганини, одамларни теримда жасорат кўрсатишга чорлаётганини унутмаслиги керак. Ҳозир, шу кеча-кундузда минглаб агитаторлар, сиёсий ахборотчилар ана шундай хайрли ишлар билан шуғулланмоқдалар. Бу ишни виждон иши, умумий ишга қўшадиган муносиб ҳиссалари деб ҳисобламоқдалар.

Ҳақиқий агитатор дала шийпонлари шу кеча-кундузда меҳнаткашларнинг талаб-эҳтиёжларига тўла жавоб берадиган бўлиши учун қайғурадиган киши ҳамдир. Шу долзарб паллада одамлар учун керак бўладиган ҳамма нарса шийпонда муҳайё бўлиши керак. Косонсой районидаги «Дўстлик» совхозининг Соцалистик Меҳнат Қаҳрамони Абдусатор Шарипов бошлиқ бригадаси дала шийпони ҳудди шундай намунали масканлардан. Унда оммавий-сиёсий ишлар учун алоҳида ажратилган хона ҳам, кутубхона ва сотувчисиз магазин ҳам, ошхона ёа дам олиш хонаси ҳам, душхона ва биллиардхона ҳам, спорт майдончаси ҳам бор. Дала меҳнаткашлари учун бундай қулайликлар туғдириш ўзининг муносиб қайтимини бермоқда. Агитаторларимиз ана шундай яхши иш ва тажрибаларни кенг тарғиб этишлари, дала шийпонларини ана шундай даражага келтириш учун жонкуярлик қилишлари керак.

Партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотлари ҳосил тақдири ҳал бўлаётган шу кунларда оммавий-сиёсий ишларни юксак даражага кўтариш учун мавжуд бўлган ҳамма яхши тажрибаларни ишга солишлари керак. Бунинг учун аввало идеология фронти жангчиларининг жанговарлиги ҳар қачонгидан оширилиши, бу ишга энг яхши кучлар сафарбар этилиши зарур. Огзаки ва кўргазмали агитациянинг таъсирчанлигини ошириш ҳақида астойдил қайғуриш лозим. Токи дала меҳнаткашлари билан бўладиган ҳар бир мулоқот, ҳар бир суҳбат ва лекция уларга тушунарлигина бўлиб қолмай, кўзланган самара бера олсин. Агитатор ва лекторнинг сўзи одамлар қалбига етиб борсин. Уларни меҳнат жасоратига руҳлантирсин. Токи оммавий-сиёсий ишимизнинг натижаси кунлик терим суръатининг ошишида, янги қаҳрамонларнинг юзага чиқишида, янги рекордларнинг туғилишида кўринсин. Умумий юксалишимизда, терим мавсумининг қисқариб, маррага тезроқ етиб боришимизда у ўз ифодасини топсин. Бу билан идеология фронти жангчилари КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XX съезди қарорларини бажаришга, пахтачиликни янада интенсивлаш вазифаларини ҳал қилиш ишига, ўн биринчи беш йилликнинг биринчи юксак довони муваффақиятли эгалланишига ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшган бўладилар.

Замондошларимиз



МИСГАР

— Яқинда календарь саҳифасидан навбатдаги варақни йиртаётиб, бир нарсани ўйлаб қолдим: мана, съездлар йилининг ўнинчи ойи ҳам бошланди, бу давр ичида нималар қилдиму, нималарга эришдим! Улуғ Октябрининг шонли 64 йиллигига арзигулик совғам борми!

Ён дафтаримни варақлаб, рақамларга кўз югуртирдим, бир-бирига қиёслаб, ҳисоблаган эдим, юзим ёришиб, дилим равшан тортиб кетди...

Олмалиқ мис эритиш заводининг илғор ишчиси Жумақул Нишоновнинг суюнчи ҳикоя қилганича бор. У йиллик металл эритиш шахсий топшириғини куни кеча СССР Конституциясининг тўрт йиллиги арафасида шараф билан адо этди. Металл эритишни нормадагидан анча кам муддатда амалга оширишга эришиб, мисгарлар ўртасидаги мусобақада пешқадамлик қилди. Бу билан у кўплаб электр энергиясн тежаб қолди ва маҳсулотнинг кўпгина қисмини давлат Сифат белгиси остида тайёрлади.

Корхона коллективи йиллик топшириқларини декабрь ойида уддалашга аҳд қилган экан, бунда шубҳасиз юзлаб мисгарлар қатори Жумақул Нишоновнинг ҳам муносиб улуши бўлади. Унинг юзи ёруғлиги, дили равшанлиги шундан.

Суратда: коммунистик меҳнат зарбдори Ж. Нишонов.

В. Сироткин фотоси.

ИЛҒОР СОҲИБКОР ВА САБЗАВОТКОРЛАРГА БАЙРОҚЛАР

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва республика Министрлар Совети давлатга мева-сабзавот маҳсулотлари сотиш юзасидан областлар, районлар, колхозлар ва совхозлар ўртасидаги социалистик мусобақанинг 1981 йил 1 октябрга бўлган якунларини кўриб чиқдилар. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва республика Министрлар Советининг кўчма Қизил байроқларини қуйидагиларга бердилар:

Тошкент области (область партия комитетининг секретари ўртоқ Мусахонов, область ижроия комитетининг раиси ўртоқ Алимов, область қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Раҳмонов, мева-сабзавот маҳсулотлари етиштирувчи ишлаб чиқариш аграр-саноат бирлашмасининг бош директори ўртоқ Абдувалиев, область қишлоқ хўжалик маҳсулотларини харид қилиш ва сифатини белгилаш бош давлат инспектори ўртоқ Носиров, область матлубот союзи правлениесининг раиси ўртоқ Файзиев). Бу область давлатга турли хил сабзавот сотиш планини 94,9 процент, картошка сотиш планини 127,2 процент, полиз маҳсулотлари сотиш планини 96,6 процент, хўл мева сотиш планини 132 процент, узум сотиш планини 94,5 процент бажарган, сентябрь ойида сабзавот тайёрлашни йиллик планга нисбатан 38,2 процент, картошка тайёрлашни 20,2 процент, полиз маҳсулотлари тайёрлашни 43,6 процент, хўл мева тайёрлашни 22,6 процент, узум тайёрлашни 86,6 процент кўпайтиришни таъминлаган. Байроқ Наманган областидан олиб берилади;

Жиззах области (область партия комитетининг секретари ўртоқ Боймиров, область ижроия комитетининг раиси ўртоқ Исломов, область қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Нуриддинов, мева-сабзавот маҳсулотлари етиштирувчи ишлаб чиқариш аграр-саноат бирлашмасининг бош директори ўртоқ Аширкулов, область қишлоқ хўжалик маҳсулотларини харид қилиш ва сифатини белгилаш бош давлат инспектори ўртоқ Каримов, область матлубот союзи правлениесининг раиси ўртоқ Неъматов). Бу область давлатга турли хил маҳсулот сотиш планини 105,4 процент, картошка сотиш планини 105 процент, полиз маҳсулотлари сотиш планини 123,4 процент, хўл мева сотиш планини 145,6 процент, узум сотиш планини 171 процент бажарган, сентябрь ойида сабзавот тайёрлашни йиллик планга нисбатан 35,8 процент, картошка тайёрлашни 15 процент, полиз маҳсулотлари тайёрлашни 40 процент, хўл мева тайёрлашни 16,7 процент, узум тайёрлашни 165,7 процент кўпайтиришни таъминлаган. Байроқ Фарғона областидан олиб берилади.

[Давоми учинчи бетда].

ПАХТА—ВАТАНГА

Республика областларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида шу йил 5 октябрга бўлган

МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Биринчи устун — областлар; иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта; учинчи устун — мавсум бошидан буён; тўртинчи устун — шу жумладан бир кунда машинада терилган пахта; бешинчи устун — мавсум бошидан буён.

Тошкент	4,50	77,07	5,39	80,65
Бухоро	3,10	67,35	3,89	47,67
Фарғона	2,17	53,94	2,10	32,42
Наманган	2,96	52,34	2,63	39,89
Сирдарё	4,36	51,29	5,10	54,41
Қашқадарё	2,99	50,42	2,42	32,35
Сурхондарё	2,04	49,23	2,05	33,28
Жиззах	4,71	41,10	5,55	45,76
Андижон	2,32	41,05	2,24	19,27
Хоразм	2,27	27,39	2,00	12,94
Самарқанд	1,83	18,96	1,12	5,11
ҚҚАССР	1,93	18,73	1,35	6,10
Республика бўйича	2,81	45,70	2,92	33,97
Шу жумладан ингичка толали пахта:				
Бухоро	1,79	63,50	—	—
Наманган	2,54	52,34	—	—
Сурхондарё	2,18	39,78	2,44	24,86
Қашқадарё	1,63	18,77	0,70	2,66
Республика бўйича:	1,99	35,66	1,62	14,95

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармони

УРТОҚ З. Ш. СИРОЖЕВНИ ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАХРИЙ ЁРЛИҒИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Республика матлубот кооперацияси системасида кўп йил, самарали ишлаганлиги учун ҳамда туғилган кунига олтмиш йил тўлиши муносабати билан «Ўзбекбирлашув» правлениесининг раиси ўртоқ Зиё Шарафутдинович **Сирожев** Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлансин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси
И. УСМОНХЎЖАЕВ.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари
Г. ҲАЙДАРОВА.

Тошкент шаҳри,
1981 йил 5 октябрь.

ҲАР БИР МАШИНАДА 10-15 ТОННАДАН

350 минг тонна «оқ олтин»нинг 90 процентини «Зангори кема»лар билан териб олишга бел боғлаган кўриқ Жиззах области далаларида машина терими қизғин бормоқда. Агрегатлар юксак унумларда ишлатилганлиги туфайли кеча Арнасой, Пахтакор, Мирзачўл ва Октябрь районларида машина терими 4,5—6 процентни ташкил этди. Йиғим-теримни ипатоволиклар методи асосида ташкил этган Жиззах районидаги Ленин орденли «Москва» колхози, Ленин номли совхоз, Мирзачўл районидаги «Тошкент», «Партия XXV съезди», Пахтакор районидаги «Пахтакор» совхозларида ҳар бир машина билан кунига 10-15 тоннадан «оқ олтин» терib олинмоқда.

Жиззах районидаги Ленин орденли «Москва» колхозидан Карим Исоқулов, Октябрь районидаги Ҳамза номли совхозининг Ҳасан Ҳуббимов, Ҳ. Олимжон номли совхозининг Анвар Маматқулов, Пахтакор районидаги «Пахтакор» совхозининг Мавлуда Тошпўлатова, Арнасой районидаги Тимошенко номли совхозининг Қодир Умаров, Зарбдор районидаги «Ленин йўли» совхозининг Камолиддин Сафаров, Абдуманнон Абдураҳмонов, Бозорбой Курбонов ўртоқлар бошлиқ бригадаларида мажбурият ҳисобига пахта топширила бошланди.

Н. МИРЗАЕВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

РЕСПУБЛИКА МАТБУОТ МАРКАЗИ ХАБАР ҚИЛАДИ

• МАВСУМ БОШИДАН БУЁН РЕСПУБЛИКА БЎЙИЧА 2.668.773 ТОННА, ШУ ЖУМЛАДАН 131.938 ТОННА ИНГИЧКА ТОЛАЛИ ПАХТА ТАЙЁРЛАНДИ. МАШИНАЛАР ЁРДАМИДА 1.314.500 ТОННА «ОҚ ОЛТИН» ТЕРИБ ОЛИНДИ.

ФУРСАТ ҒАНИМАТ, ПАХТАЗОРДА ЖАСОРАТ КЎРСАТАЙЛИК!

• Теримда ҳамон Жиззах, Сирдарё, Тошкент областлари пешқадамлик қилишаётир. Самарқанд области ва Қорақалпоғистон АССР ҳанузгача қолоқликдан чиқолмаяпти. Бу ерда ҳосилни машиналар билан териб олиш қизитилмаяпти. Машина терими бўйича кунлик ўсиш Самарқанд областида 1,12 процентни, мавсум бошидан буён эса 5,11 процентни, Қорақалпоғистонда бир кунда 1,35 процентни, мавсум бошидан буён 6,1 процентни ташкил этаётир, холос.

ҒОЛИБЛАРДАН ЎРНАК ОЛАЙЛИК

Бухоро областида пахта тайёрлаш йиллик планини бажарган совхозлар сони олтитага, колхозлар ҳам олтитага, бўлимлар 22 тага, бригадалар сони 305 тага етди.

Ўтган куни область далаларида 3192 пахта териш машинаси ишлатилди. Ҳар бир агрегатнинг кунлик иш унуми 4,7 тоннани ташкил этди. Пешқу райони механизаторлари энг юқори иш унумига эришдилар. Бу ерда ҳар бир машина билан 6,8 тоннадан пахта териб олинди.

Ғиждувон районидаги К. Маркс номли колхоз деҳқонлари йиллик пахта тайёрлаш планини бажарганликлари ҳақида рапорт бердилар. Давлатга 3.750 тонна дурдона топширилди. Бунинг 1.580 тоннаси ингичка толали пахтадир. 1120 гектар майдоннинг ҳар гектаридан ўртача 43 центнердан хирмон кўтарилди.

Колхознинг Исмат Жўраев, Ҳалим Саидов, Омон Раҳмонов бошлиқ бригадаларида ҳосилдорлик 50-55 центнерни ташкил этди. Бу пешқадам коллективлар эндиликда 75 центнерлик маррани эгаллаш учун курашмоқдалар. Колхоз механизаторлари давлатга яна 2.750 тонна пахта топшириш ва ҳосилдорликни 58 центнерга етказишга қарор қилдилар.

УРУҒЛИК ПАХТА МУЛ БЎЛДИ

Жиззах райони уруғлик пахта тайёрлаш планини бажарди. Бу ерда 14.184 тонна ўрнига, 15 минг тонна уруғлик пахта топширилди.

Эришилган муваффақиятга Ленин орденли «Москва» колхози, Ҳамроқул Носиров номли, Жданов номли, Ленин номли колхозларнинг деҳқонлари салмоқли ҳисса қўшдилар.

Пахта тайёрлашнинг кунлик суръати бўйича область да Мирзачўл райони пешқадамлик қилаётир. Ўтган куни бу ерда йиллик планнинг 5,2 процентн миқдорида пахта тайёрланди. Райондаги «Ўзбекистон» ва Абай номли совхозларда терим агрегатларининг кунлик иш унуми 7,2 тоннани ташкил этди.

ДАСТЛАБКИ МУВАФФАҚИЯТ

Бағдод районидаги кўриқ «Ғалаба» совхози саршуносларн пахта тайёрлаш планини адо этдилар. Давлатга 486 тонна «оқ олтин» топширилди. Машина терими плани 121,2 процент адо этилди.

Механизаторлар мусобақасида А. Бекмуродов, Э. Жабборов, Т. Юнусов ўртоқлар пешқадамлик қилишмоқда. Совхоз коллективи СССР 60 йиллиги шарафига яллн ҳосилни 600 тоннага етказишга қарор қилдилар.

Киров районида пахтакорларга маданий-маиший хизмат кўрсатиш яхши йўлга қўйилган. Дала меҳнатчиларига 112 жойда маиший хизмат кўрсатилзётир.

МЕХАНИЗАТОР ҒАЛАБАСИ

Задарё районидаги Ильич номли совхоз механик-ҳайдовчиси Абдусалом Қодиров Наманган области механизаторлари орасида биринчи бўлиб социалистик мажбуриятини адо этди.

У мавсум бошидан буён ўз машинаси билан 500 тонна пахта терди. Қодиров яна 100 тонна пахта теришни кўзлаяпти.

Областдаги пешқадам бригадалар бирин-кетин маррага етиб келишмоқда. Гектаридан 30-36 центнердан ҳосил топширган Тўрақўргон районидаги «Ўзбекистон» колхозидан Миралим Қосимов, «Москва» колхозидан Сотволди Давлатов, Наманган районидаги Энгельс номли колхозидан Абдумажид Қосимовлар етакчилик қилаётган бригадаларнинг коллективлари мажбурият ҳисобига пахта тайёрлаяптилар.

ИПАК ПАХТА — ВАТАНГА

Кеча Сурхондарё областида 940 дан зиёд машина ингичка толали пахта теримида иштирок этди. Улар ёрдамида бир кунда 2.909 тонна ипак пахта териб олинди. Қўлда эса 2.521 тонна қиммат баҳо пахта терилди.

Область бўйича мавсум бошидан буён давлатга 87.521 тонна ипак пахта топширилди. Сариосиё районидаги «Коммунизм» совхозидан Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ҳанифа Орзиқулова, Шўрчи районидаги «Ленинобод» колхозидан Иўлдош Алимардонов, Шеробод районидаги «Шеробод» совхозидан Ўскин Аҳмедовлар етакчилик қилаётган бригадаларда энг юқори натижаларга эришилди. Бу бригадалар гектаридан 40-45 центнердан ҳосил қўтариб, йиллик пахта тайёрлаш планларини муддатидан илгари бажардилар.

ДОВОН ОШИЛДИ

Қашқадарёлик саршуносларнинг кечаги кунгача қабул пунктларига 282.344 тонна пахта топширилди. Бу планлаштирилган ҳосилнинг ярмидан кўп демакдир.

Ана шунинг 113.210 тоннаси машиналар ёрдамида терib олинди.

Ипак пахта теримида 2.723 машина иштирок этаётир. Уларнинг ҳар бирининг кунлик ўртача иш унуми 3 тоннани ташкил этмоқда. Китоб ва Ғузор районларн механизаторлари социалистик мусобақада карвонбошилик қилмоқдалар.

ЧЎЛҚУВАРЛАР ЗАФАРИ

Комсомолобод районидаги «Дўстлик» совхози чўлқуварлари пахта тайёрлаш йиллик планини муддатидан илгари адо этдилар.

Беш йиллик план-топшириғини уч йилда бажариш ҳаракатининг ташаббускорлари 2 минг гектар майдоннинг ҳар гектаридан 17,5 центнердан ҳосил қўтардилар. Давлатга 3.500 тонна пахта топширилди. Ҳосилнинг асосий қисми —85 процентн машиналар ёрдамида териб олинди. Совхознинг 3- ва 5 бўлимқ саршуносларн Эргашмирза Тошмирзаев, Сайдинисо Тўхтасинова, Рустам Турдиев сингари механизаторлари меҳнатда қувончли натижаларга эришдилар. Совхоз коллективи мавсум охиригача давлатга яна 1500 тонна «оқ олтин» топширишга қарор қилди.

ТОШКЕНТ ТЕХНОЛОГИЯСИ АСОСИДА

Автоном республиканинг Эллиққалъа районидаги кўриқ «Москва» совхозининг пахтакорлари йиғим-терим ишларини Тошкент технологияси асосида ташкил этмоқдалар.

Хўжалик далаларида тўрт терим-транспорт отрядига бирлашган 20 та агрегат ишлатиляпти. Улар ёрдамида ҳар куни йиллик план-нинг 5-6 процентн миқдорида пахта тайёрлаимоқда.

«Зангори кема» капитанлари мусобақасида ҳамон СССР Олий Совети депутати Жамила Бекжонованинг олдлавий экипажи пешқадамлик қилмоқда. Кеча бу олдлавий экипаж икки машина бункеридан 27 тонна «оқ олтин» бўшатди. Олдлавий экипаж терган пахта мавсум охиригача 500 тонна бўлади.

БАЛЛИ, ПОЙТАХТЛИКЛАР

Пойтахт области бўйича теримда Ғалаба районн пешқадамлик қилаётир. Бу ерда кунлик ўсиш 6,14 процентни ташкил этмоқда. Улардан сўнг Бўка ва Пискент районлари боришяпти.

Кеча Пискент районидаги Тельман номли колхоз пахта тайёрлаш планини бажарганлиги тўғрисида рапорт берди. 970 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 31 центнердан ҳосил қўтарилиб, давлатга 2950 тонна пахта топширилди. Машина терими плани 115 процент адо этилди. Колхоз саршуносларн ҳосилдорликни 45 центнерга етказиш ва 20 октябрга қадар давлатга яна 1330 тонна пахта топширишга қарор қилдилар.

Шу райондаги «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» совхози пахтакорлари ҳам ҳосилнинг 90 процентини машиналар ёрдамида териб олиб, йиллик пахта тайёрлаш планини бажарганликлари ҳақидаги рапортга имзо чекдилар. Бу ерда 900 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 28 центнердан ҳосил қўтарилди. Совхознинг Карим Хўжабоев, Ражаб Умрзоқов, Нугушо Қаттимовлар бошчилик қилаётган бригадаларда ҳосилдорлик 32-34 центнерга етди. Пахта терими давом этаётир, коллектив 15 октябргача яна 1000 тонна пахта тайёрлашни кўзламоқда.

• Барча терим машиналарн ишга солинган, терим техникасидан самарали фойдаланилаётган жойларда муваффақиятлар қўлга киритилаверади. Мавжуд машиналарнинг ҳаммасини далаларга олиб чиқайлик! Механизаторлар, мавсум тақдирини техника ҳал этишини унутмайлик!

5 МИЛЛИОН 900 МИНГ ТОННА «ОҚ ОЛТИН» УЧУН

ТЕРИМДА СУРЪАТ ВА СИФАТНИ ОШИРАЙЛИК!

ПАРТИЯ ТУРМУШИ:

ҚАЛБЛАРГА ЙЎЛ ТОПИБ

ВОРОШИЛОВ РАЙОН ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИДА ПЛАН ВА МАЖБУРИЯТЛАРНИНГ БАЖАРИЛИШИНИ ИДЕОЛОГИК ЖИҲАТДАН ТАЪМИНЛАШ ТАЖРИБАСИДАН

Ворошилов районининг барча коммунистлари, идеология фронтининг жангчилари КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XX съезди қарорларини, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг яқинда бўлиб ўтган пленум қарорларини қишлоқ меҳнаткашлари онгига чуқурроқ сингдириш, ўртага қўйилган вазифаларни атрофлича тушунтириб бериш йўлида катта ишлар қилмоқдалар. Улар одамларнинг диққат-эътиборини шу нуқтанинг энг муҳим масалаларига — ҳар жойда ва ҳар соҳада тежамкорликка эришишга, далаларимизда етиштирилган бебаҳо ҳосилни зўр уюшқоқлик билан, бутун тажрибани ишга солган тарзда қисқа муддатларда йиғиб-териб олиш масалаларига қаратмоқдалар. Одамларни ўз жўшқин сўзлари билан меҳнат жасоратига руҳлантирмоқдалар. Тежамкорликка, пахта йиғим-теримида юксак суръатга эришишга норламоқдалар. Ўз ўриларини пахтазорда деб билиб, план ва топшириқларнинг бажарилишини идеологик жиҳатдан таъминлашни ўзларининг биринчи даражали вазифалари деб қарамоқдалар. Мухбиримиз А. Умаров ана шу жабҳада жанговар иш олиб бораётган идеология фронти жангчиларининг бир гуруҳи билан суҳбат лашдм. Қуйида уларнинг мулоҳазаларини эътиборингизга ҳавола этаётирмиз.

МЕҲНАТ ЖАСОРАТИГА ЧОРЛАБ

Холбўта ОЧИЛОВ,
«Гулистон» совхозининг 2-бўлимининг техник-бухгалтери, пропагандист

Республикамиз пахтакорлари ҳаётида энг долзарб палла — пахта йиғим-терими қизғин бошланиб кетди. Бу биз пропагандистлар зиммасига ҳам катта масъулият юклайди. Негаки, йил бўйи қилинган меҳнатга энди яқун ясалади. Худди шу паллада сал бўлса-да бўшашувчанликка йўл қўйиш, теримни оқилона ташкил эта олмаслик доғда қолдириши мумкин.

Шу боисдан ҳам бугунги кундаги ўримизга пахтазорда, хирмон тақдирини ҳал этаётган одамлар орасида деб билишимиз керак. Биз теримдаги илғор тажрибалар ҳақида кўпроқ суҳбатлар ўтказишимиз, тажрибанинг моҳиятини очиб беришимиз лозим.

Мен бўлим цех партия ташкилоти қошидаги сиёсий ўқувга раҳбарлик қиламан. Айни пайтда эса Илаш Тўраев бошлиқ бригадада агитаторман. Бу жамоат топшириқлари менга жуда ёқади. Ҳозирги долзарб дамларда мен асосий вақтимни бригадада, теримчилар, механизаторлар, бир сўз билан айтганда, меҳнат кишилари орасида ўтказаётирман. Уларга вақтини топиб, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг яқинда бўлиб ўтган пленуми материалларини атрофлича тушунтириб беришга, кўп нарса шу кунлардаги уюшқоқлигимизга, ташаббускорлигимизга, вақтнинг қадрига етишимизга боғлиқлигини уқтиришга ҳаракат қилмоқдаман.

Бизнинг ер шароитимиз оғир. Ўта шўрҳок, камқувват, катта куч ва меҳнат талаб қиладиган майдонларда ҳосил етиштирамиз. Шунга қарамай ҳосилдорликни йил сайин кўтаришга эришмоқдамиз. Бу йил далаларимизда мўл ҳосил етиштирилган. Уни нест-нобуд қилмай йиғиштириб олиш ҳисобига шу йилнинг ўзидаёқ пахта ҳосилдорлигини ўтган йилдагига нисбатан 4—5 центнерданга кўтариш имкониятлари бор.

Шу боисдан ҳам биз пропагандист ва агитаторлар бу резерв ва имкониятлар ҳақида кўпроқ ва рўй-рост гапиришимиз, шу имкониятлардан фойдаланишга одамларни, бутун кучни сафарбар этишимиз керак. Ана шундагина мажбуриятимизнинг бажарилишини идеологик жиҳатдан таъминлаган бўламиз.

Хўжалигимизда 105 нафар агитатор, сиёсий ахборотчи, пропагандист ҳамда лектор иш олиб бормоқда. Улар йиғим-теримнинг муваффақиятини таъминлашда ҳал қилувчи роль ўйнамоқдалар. Совхоз партия комитетининг секретари Мўминжон Абдуллаев эса бизларга ҳамиша бош-қош бўлиб, ишимизнинг жанговарлиги, таъсирчанлигини таъминлашда катта ёрдам беряпти. Биз идеология фронти жангчилари Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг III пленуми қарорларини амалга ошириш, ўн биринчи беш йилликнинг юксак «оқ олтин» хирмонини барпо этишда актив қатнашиб, умумий ишимизнинг муваффақиятини таъминлаш учун бор кучимизни ишга соламиз.

ТЕЖАМКОРЛИК ҲИССИНИ ТАРБИЯЛАЙЛИК

Ҳусан СОДИҚОВ,
«Гулистон» совхозининг 3-бўлим бухгалтери, агитатор

Мажкажўхори ўрим-йиғими айни қизғин паллалар эди. Партком секретари Мўминжон Абдуллаевнинг топшириғи билан ўз участкам — Дуйсен Хожанов бош бўлган мажкажўхорикорлик бригадасига тежамкорлик хусусида суҳбат ўтказишга бордим. Донинг далаларда тўкилиб қолиб кетишини тугатиш ниҳоятда муҳимлигига эътиборни қаратдим. Кейин ҳосилдан тозаланган майдонларни кўздан кечириб чиқиш мақсадида дала кезиб кетдим. Шу маҳал даланинг нариги этагида тўкилган сўталарни шошилмай териб юрган бир кишига кўзим тушиб қолди. Қизиқсиниб, ўша томонга юрдим. Бу киши — бўлим ерларига сув чиқарадиган насос станциясининг мотористи Хазраткул ака Алиқулов эди.

— Тежамкорликка эътиборни кучайтириб жуда тўғри иш қилимоқда, — деди у киши менга. — Ўлкамиз кузи нақадар гўзал. Ҳамма нарса пишиб етилган, тўкинсонинлик. Мен сизга айтсам, баъзи одамлар унча-мунча нарсаларни назарга илмайдиган бўлиб қолишмоқда. Ўз меҳнатининг қадрига етмайдиганлар ҳам йўқ эмас. Сиз — агитаторлар буни содда, лўнда қилиб одамларга тушунтира билишингиз керак. Ҳамма ёқда пишиқчилик. Шундай дамларда тежамкор кишиларимиз қанча кўп бўлса, тежаб-тергаш ҳақида қанча кўп гапирилса, ёшларга, ҳосилни йиғиб-териб олишаётган одамларга бу ҳақда қанча йўл-йўриқ берилса — шунча яхши.

Кекса ишчи айнан менинг ҳам қалбимдаги гапларни айтмоқда эди. Ҳазраткул ака тежамкор одам қандай бўлиши кераклигини амалда кўрсатиб берди. У ўзининг икки нафар фарзандини ёнига олиб, иш жойига яқин бўлган маккажўхоризорда тўкилган сўталарни териб чиқиб бригада ерларидан 500 килограммдан ортиқ маккажўхори дони топширди. Хазраткул Алиқулов оиласи кўнгилли равишда териб олган «наҳрабо дон»ни хўжалигимиз омборига топширдик. Сўнгра бу ҳақда «Жанговар варақа» чиқардик. Унинг ибратли иши совхоз ғаллакорлари орасида тез тарқалиб кетди. Жами 413 гектар ерда дон учун маккажўхори етиштирилган бўлса, 165 нафар кўнгилли тежамкорлар томонидан ана шу майдон, йўл ёқалари, бурилиш майдончалари яхшилаб тозаланди. Натижада тежамкорлар қўли билан териб олинган дон 20 тоннани ташкил этди.

ҲОСИЛ ТАҚДИРИГА МАСЪУЛМИЗ

Ўролбой ҚУВОНДИҚОВ,
«СССР 50 йиллиги» шоличилик совхозининг бош агрономи, сиёсий ахборотчи

Хўжалигимиз партия ташкилоти ҳисобида 71 нафар коммунист бор. Улар ўрим-йиғимнинг муваффақиятини таъминлашда фаол қатнашмоқдалар. 18 нафар агитатор, 3 нафар пропагандист, 3 та сиёсий ахборотчи ва 5 нафар лекторимиз долзарб дамларда омма орасида сиёсий-тарбиявий ишларни кучайтирмоқдалар. Бизлар яқинда бўлиб ўтган Ўзкомпартия Марказий Комитетининг III пленуми материалларини ўз хўжалигимиз ҳаётига боғлаб, атрофлича таргиб қилмоқдамиз, шоликорларимизни тежамкор бўлишга, ўрим-йиғимни тез ва соз якунлаб олишга даъват этмоқдамиз.

Шуни ҳисобга олиб, совхоз партия ташкилоти ҳар бир участка, группа ва звеноларга агитаторлар, сиёсий ахборотчиларни бириктириб қўйган. Шахсан менинг ўзим марказий хирмонда сиёсий ахборотчиман. Ҳозирги долзарб паллаларда асосий ишим билан бир қаторда партия ташкилоти томонидан юклаб қўйилган ана шу вазифани шараф билан оқлашга ҳаракат қилмоқдаман. Бир мен эмас, хўжалигимиз идеология фронти жангчиларининг деярли барчаси юксак масъулият билан иш олиб бормоқдалар. Агитатор Мусахон Текабоев, пропагандистлардан Турғун Кенжаев, Тоҳир Бобоев, агитатор Бойгелди Қулбоев каби жонкуярларнинг ишларини эса алоҳида таъкидлаб ўтса арзийди.

Биз бу йилги мавсумда тежамкорликка ҳар қачонгидан ҳам катта эътибор бермоқдамиз. Совхоз бўйича 12 та тежамкорликни назорат қилиш постларини ташкил этганмиз, 78 киши эса комбайнлар юриб кетган жойлар, карталарнинг четларида ўроққа илинмай қолган ҳосилни йиғиштириб олиш билан машғул бўлади. Ўтган йили тажриба учун Раҳматулла Мавлонов бошқарувчилик қилаётган бўлимдаги бригадалардан бирида 90 гектар ерда ўримдан сўнг тозалаш, бошоқ териш ишларини ўтказиб кўрган эдик. Шунда ана шу майдондан 500 килограмм шоли олинган эди. Бу йил ҳам ўша тажрибани қўллаб, комбайнлар кетидан шолипояларни синчковлик билан тозалаб чиқаётирмиз.

«Гулистон», «СССР 50 йиллиги» совхозлари агитаторларининг чиқишларини Ворошилов район партия комитетининг биринчи секретари Раҳмат Хотамов шундай шарҳлайди:

Қишлоқ хўжалигининг деярли барча соҳалари учун белгиланган топшириқлар бажарилмоқда. Эндиги асосий кураш — районимизнинг 50 минг тонналик «оқ олтин» хирмони учун бўлаётир. Ана шу вазифаларнинг муваффақиятини идеологик жиҳатдан таъминлаш, айниқса, муҳимдир. Биз бу соҳада ўзининг жўшқин сўзи, далили, ишончли, руҳлантирувчи суҳбатлари билан катта ёрдам бераётган, беминнат хизмат кўрсатаётган идеология фронти жангчиларидан беҳад миннатдормиз. Улар партия фикрларини оммага етказиб, унинг сиёсатини оммага тушунтириб, уларни янги марраларга руҳлантириб, катта фойдали ва керакли иш қилмоқдалар. Йиғим-терим кампаниясини уюшқоқлик билан ўтказишимизда улар бизга беқиёс ёрдам бермоқдалар.

Ҳозир районимиздаги 27 нафар сиёсий докладчи, 26 штатсиз лектор, 112 сиёсий ахборотчи, 285 агитатор, «Билим» жамиятининг барча аъзолари ўзларининг бутун диққат-эътиборларини ана шу ғоят муҳим ва актуал масалани шараф билан адо этишга қаратганлар. КПСС XXVI съезди қарорларини, ўртоқ Л. И. Брежневнинг йўл-йўриқ ва кўрсатмаларини, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг III пленумида кўтарилган масалаларни атрофлича шарҳлаб, кенг меҳнаткашлар оммаси онгига етказиш борасидаги ишлар сўзсиз таҳсинга сазовордир. Буни юқоридаги мисоллар, яъни Х. Очилов, Ҳ. Содиқов, У. Қувондиқов ўртоқларнинг сўзларидан ҳам кўрса бўлади. Хулоса қилиб шуни айтмоқчи эдимки, барча агитаторларимиз, лекторларимиз, сиёсий ахборотчилар ва пропагандистларимизнинг бугунги ўрни — пахтазорларда, шолизорлардадир, мамлакатимизнинг моддий бойликларини яратаётган буюкдқорлар сафидадир.

◎ ТОШКЕНТ, СИРДАРЁ, ЖИЗЗАХ ва БУХОРО областларининг пахтакорлари кунлик ўсишда энг юқори кўрсаткичларга эришмоқдалар.

◎ **Ҳар бир колхоз, совхоз, район ва областда бир кунда камида бир ярим-икки кунлик графикка тенг «оқ олтин» терилиши ва давлат топшириқларига жўнатилишига эришинг!**

◎ Теримда сифатга алоҳида эътибор беринг! Сортнинг пасайишига асло йўл қўйманг. Она-Ватанга фақат аъло нав пахта етказиб бериб, план ва мажбуриятларни муддатидан илгари бажарайлик!

ЧАНОҚЛАРДАН МАРЖОН ТАҚИБ

РЕПОРТАЖ

Нарпай районидаги «Иттифоқ» колхози далаларида шу кунларда ўзгача кўтаринки, кайфият, ўзгача шавқ-завқ ҳукмрон...

Оппоқ денгиздай чайқалаётган, қут-баракага тўлган даладамиз. Чаноқлардан маржон тақиб, чаккасига гул қистирган гўзалар саҳий куз қуёшидан жамолини кўз-кўз қилмоқда. Кўзаларида шижоат учқуни ёнган чеварларнинг қўли-қўлига тегмайди. Улар етиштирилган лўппи пахталарни тезроқ, гард юқтирмай йиғиб-териб олиш, бригада, колхоз хирмонларини юксалтириш иштиёқи билан тер тўкишяпти. Суяги пахтазорда қотган Ражабой Маҳкамова чеварлар сардори. У бир кунда 250 килограммгача дурдона териб, ҳам колхозда, ҳам райондa рекорд ўрнатди. Унинг ҳозиргача хирмонга тўккан пахтаси 3 тоннадан ошиб кетди.

Пахтага, ҳалол меҳнатга эътиқод қўйган бундай теримчилар хўжаликда кўплаб топилади. Унсун Норбобоева, Садаф Нортожиева сингари илғорларнинг ҳар бири кунига 200—210 килограммдан жавоҳир териб хирмонга барака киритишмоқда.

Тажрибали деҳқонлар механизациядан, илғор агротехникадан самарали фойдаланишаётгани туфайли хўжаликда ҳосилдорлик тобора ошиб бормоқда. Меҳнат Қизил Байроқ орденли Худойёр Эрназаров бошлиқ бригадада заршунослари эришаётган зафарлар айниқса қувончли. 60 центнерлик маррага интилаётган шунқорлар даласидаги бебаҳо дурдоналар меҳр-муҳаббат билан илдам саранжомланмоқда.

— Табиий қийинчиликлар оқибатида, — дейди колхоз раиси Нормамат Эшонов, — бу йил йиғим-теримни бултургидан анча кеч бошладик. Пахтакорларимиз республикамизнинг доимгдор деҳқонлари ва механизаторлари тажрибасига, техникага таянинб мавсумга пухта уюшқоқлик билан киришдилар. Ҳозир ҳамма бригадаларда терим қизғин. Қудратли машиналар сифатли дефолиация қилинган далаларга ёпирилиб сафарбар этилди.

Дарҳақиқат, колхозда пахтачиликни, хусусан йиғим-теримни комплекс механизациялашга эътибор кучайтирилмоқда. 1981 йилда яхши ҳосилнинг 70 процентга яқинини «занғори кема»лар билан териб олиш мўлжалланган. Бу марра шубҳасиз эгалланади. Негаки, агрегатлар жилови ишончли қўлларда. Улардан бири — Нурмон Бекиазаровдир. У пахтачиликка комплекс механизацияни кенг жорий этиш соҳасидаги изланишлари учун Меҳнат Қизил Байроқ орденига, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган механизатор деган фахрий унвонга сазовор бўлди. Фидокор механизатор съездлар йилида 400 тонна пахта теришга бел боғлаган. Унинг издошлари Ибот Оллоёров, Шониёз Хушвақтов, Эргаш Алимовлар хирмонга 200 тоннадан «оқ олтин» тўкишга аҳду паймон қилишди.

Бу йил хўжаликда дастлаб 2450 гектар майдондан давлатга 9 минг 77 тонна «оқ олтин» сотиш планлаштирилди, мажбурият 12 минг тонна қилиб белгиланди. Шуниси қувончлики, азамат заршунослар Улуғ Октябрнинг 64 йиллиги шарафига оширилган мажбурият қабул қилишди, яъни яллн хирмонни 13 минг тоннага етказишга азму қарор қилишди. Шундай қилиб ҳар гектар ердан ўртача 53 центнердан ҳосил олинади.

Ваъда вафоси билан улуғ, дейди доно халқимиз. Саховатли кузнинг ҳар дақиқасини ғанимат билган олтин қўлли пахтакорлар ақдлари устидан албатта чиқажакларига, юксак чўққини саботматонат билан забт этишларига ишонамиз.

А. ДИЛМУРОДОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ҚАШҚАДАРЁ ОБЛАСТИ. Косон районидаги Акмал Икромов номли совхозда Баҳоргул Шодиева номини ҳамма ҳурмат билан тилга олади. У 10-синфни тугатган, ўз қадрдон совхозида қолиб ишлашга қарор қилган эди. Мана уч йилдирки, ёш теримчи фидокорона меҳнат қилаяпти. Ўтган йили у 12 тонна пахта терib, совхозда рекорд кўрсаткичга эришган эди. У бу йил рекордни яна такрорлаш учун кунига 135—140 килограммдан пахта теряпти. Суратда: Б. Шодиева.

Н. Содиқов фотоси.

МУХБИРИМИЗ БОНГ УРАДИ

МАШИНАЛАР ҚАЧОН ИШЛАЙДИ?

Олтин кузнинг ғанимат кунлари ўтиб боряпти. Далаларда оппоқ лўппи пахталар «бизни нест-нобуд қилмай тезроқ териб олинг» деяётгандек кўзни қамаштиради. Аммо, баъзи боқи-бегам, ношуд раҳбарлар бундан тегишли хулоса чиқармаяптилар. «Ҳали вақт бор» деган баҳона билан турли-туман асоссиз важ-корсонлар кўрсатяптилар. Бундай аҳволни Сурхондарё областининг Жарқўрғон районида яққол кўриш мумкин. Асосан ингичка толали пахта етиштирадиган бу район хўжаликлари пахта тайёрлашда областда энг охирги ўринга тушиб қолди. 1 октябргача йиллик планнинг бор-йўғи 33 процентн миқдорида пахта тайёрланди. Кунлик ўсиш эса 1,5—1,6 процентдан юқори кўтарилмаяпти.

Бунинг сабаби аён: район ва хўжалик раҳбарлари «ипак пахта пишмаган» баҳонаси билан дефолиацияни ҳаддан ташқари чўзиб юборишди. Айниқса, дефолиантлар белгиланган дозадан кам ишлатилди. Раҳбарлар эса «Биз нима қилайлик, мана қаранглар, ғўза барги тўкилмаяпти» деб туришаверди.

Районда 10,5 минг гектар майдон 25 сентябргача икки марта дефолиация қилиниши ва мавжуд терим машиналарининг ҳаммаси ишга туширилиши лозим эди. Аслида эса белгиланган майдон атиги бир марта чала-чулпа дефолиация қилинди, холос. Такрорий дефолиация эса энди-гина бошланди. Текширишда дефолиация бўйича берилган маълумотларнинг чалкашлиги аниқланди. Давлат Алибоевдек баобрў киши раҳбар бўлган «Сурхон» совхозида 560 гектар майдон дефолиация қилинган ҳолда маълумотда 1300 гектар кўрсатилган. «Коммунизм», «Социализм» ва Н. Боймуродов номли колхозларда ҳам шундай кўзбўямачиликларни кўриш мумкин.

Район раҳбарлари ўтган йили ҳам худди шундай хатоларга йўл қўйиб, йил якунида «аттанг» деб ер чизиб колган эдилар. Район бўйича машина терими плани 88,1 процент бажарилиб, пландаги 21 минг тонна ўрнига 18,1 минг тонна пахта машинада терилган, ҳар бир агрегатнинг ўртача иш унумдорлиги 81 тоннага тўғри келган эди. Бироқ, район раҳбарлари (райком секретари Э. Рустамов, райижроком раиси Чори Боймуродов ўртоқлар), қолаверса, колхоз ва совхоз раҳбарлари ўтган йилги аччиқ сабоқдан тегишли хулоса чиқармадилар. Бултур шу кунларда машиналар билан 39,66 процент пахта терилган бўлса, бу йил энди бор-йўғи 2,34 процент пахта бункерлардан тўкилди, холос. Колхоз, совхозлардаги 250 терим агрегатидан атиги 43 таси ишлаяпти. Уларнинг ўртача иш унумдорлиги 2,6 тоннадан ошмаяпти. «Сурхон» совхозидаги 47 та, «Партия XXII съезди» колхозидаги 28 та терим машинасидан бирортаси ҳам ҳанузгача пахтазорларга киритилган эмас. «Социализм» колхозидаги 28, «Шарқ юлдузи» колхозидаги 37, Ҳамид Олимжон номли совхозидаги 18 терим агрегатининг тўртдан уч қисми иш кутиб турибди. 30 сентябрь куни «Сурхон» совхозининг Қорабой Нораҳмедов бошлиқ 5-бўлимида 13 машинани ишга тушириш мўлжалланган эди. Лекин дефолиация юзаки ўтказилгани, ғўза барги тўкилмагани сабабли бирорта ҳам машина ишламади.

Тўрахон Узбеков раис бўлган «Партия XXII съезди» колхозининг марказий устахонасида тартиб йўқ. Терим машинаси ва механизмларнинг қисмлари сочилиб ва занглаб ётибди. Колхоздаги 28 та терим агрегатидан бирортаси ҳам ишга тушмаган. Биз колхознинг марказий ремонт устахонасида (устахона мудири Жўра Хидиров) ўта кўнгилсиз воқеанинг гувоҳи бўлдик. Бу ерда икки қаторли 4 та терим агрегати сотиб олинганига уч йил бўлган бўлса-да, бирор кун ҳам ишлатилмаган.

Районда қўл терими ҳам аянчли аҳволда: Ҳамид Олимжон номли, «Шарқ юлдузи» совхозларида ва «Коммунизм», «Социализм», «Партия XXII съезди» колхозларида ҳар бир теримчининг ўртача кундалик иш унумдорлиги 40-50 килограммдан ошмаяпти. Бу хўжаликларда график бўйича теримда қатнашиши лозим бўлган кишиларнинг учдан бири далада кўринмаяпти.

Жарқўрғонлик раҳбар ўртоқлар бундан тегишли хулоса чиқаришлари ва йўл қўйилган хатоларни зудлик билан тузатиб, теримда кескин бурилиш ясашлари лозим.

А. ХАЛИЛОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ХИРМОН САЛОБАТИ

Пахта йиғим-теримида ҳал қилувчи паллага кирдик. Бир ой астойдил манглай тери тўкиб меҳнат қилсак, бор ҳосилни тез ва соз териб оламиз. План ва мажбуриятларимизни бажарсак, халқимиз, партиямиз олдида юзимиз ёруғ бўлади, пахтакорлик номини шарафлаймиз. Шундай экан, бугун ҳаммамиз ўрни пахтазорда бўлмоғи керак.

Мен оилавий терим экипажига бошчилик қиляпман. Экипаж составида турмуш ўртоғим Аннамурод Отамуродов, сингилларим Қаноатхон ва Зебохонлар бор. «Занғори кема»ларни ўриндошлик йўли билан икки сменада бошқариб, кунлик графикни бир ярим-икки ҳисса қилиб бажарямиз. Мавсумда 2.200 тонна дурдона териш мажбуриятини олганмиз. Кунига 35—40 тоннадан пахта тераямиз. Юксак мажбуриятимизни ортиғи билан бажариш учун ҳосилимиз етарли. Фақат суръатни кун сайин оширмоғимиз, ғанимат кунлардан самарали фойдаланмоғимиз керак.

Амалда шундай қиляпмиз. Машина теримининг дастлабки кунларида ҳар бир машинанинг кунлик иш унуми ўртача 3—4 тоннани ташкил этган эди. Эндиликда 7—8 тонналик маррани эгалладик. Лекин бундан кўнглимиз тўлаётгани йўқ. Сабаби, барг тўла тўкилди, кўсаклар пастки шохлардан юқори шохларгача тўла очилди. Демак, суръатни кўтариш, бир кун ёки сменада икки-уч норма бажариш учун ҳамма имкониятлар яратилди. Бундан омилкорлик билан фойдаланиш, суръатга қанот бахш этиш механизаторлик бурчимиздир.

Теримда машиналар унумдорлигини ошириш учун нималар қилиш керак? Ҳозирги кунда «занғори кема»ларни тонг саҳардан пайкалларга киритиб, қош қорайгунча тинимсиз ишлатиш керак. Соатлик график асосида пахта теришни фақат теримчилар орасидагина эмас, балки механик-ҳайдовчилар орасида ҳам кенг қўллаш яхши натижалар берган бўлур эди.

Ҳар бир терим отрядида 4—6 та «занғори кема» бор. Шунга яраша транспорт воситалари ажратилган. Отрядлар билан отрядлар, транспорт ҳодимлари ўртасида ҳам мусобақа кучайтирилиши керак. Янун мунтазам эълон қилиб борилса, шахсий манфаатдорлик кучайтирилса, самарадорлик кўтарилади, терилган пахтанинг сифати яхшиланади. Шунга эришиш керакки, иш куни ва сменалар давомида бирорта машина, транспорт воситаси бекор туриб қолмасин.

Афсуски, айрим хўжаликларда шундай қилинмаяпти. Механик-ҳайдовчилар теримни кеч бошлайдилар, эрта тамомлайдилар. Оқибатда ғанимат фурсат қўлдан бой берилади. Бу графикларнинг бажарилишига салбий таъсир кўрсатади. Орзиқиб кутилган октябрь ойи бошланди. Лекин ҳамон терим машиналари далаларга тўла чиқарилганича йўқ. Бундай аҳволнинг юз беришига хўжаликларнинг раҳбарлари, қолаверса, механизаторларнинг ўзлари сабабчи. Ўйлаб кўринг, октябрь ойи бошларида карталарга киритилмаган, узоғимизни яқин, оғиримизни енгил қиладиган машиналар қачон ишлатилади? Об-ҳаво ҳамиша шундай турармикин? Яқинда бўлиб ўтган ёғингарчилик анча шошириб қўйдику! Нега бундан тегишли хулоса чиқариб олмаймиз?

Механизаторларимизни н г ҳосил тақдири учун масъулиятларини бутун чоралар билан кучайтиришимиз керак. Илғорлар кунига 15—16 тонна, ҳатто ундан кўп пахта тераяпти. Лекин машиналарнинг «умри»ни бекорга ўтказаётган механизаторлар ҳам оз эмас. Аксарият механизаторларимиз мавсумда 250—300 тоннадан, донгдорлар 450—500 тоннадан пахта териш мажбуриятини олишган. Ана шу мажбуриятларни бажариш учун шу кунларда кўп пахта терилмаса, кунига иккиуч графикка тенг «оқ олтин» топширилмаса, қачон терилади, мажбуриятларнинг бажарилиши чўзилиб кетмайдими? Шундай экан, соатлар сайин машиналарнинг иш унумини ошириб боришимиз керак. Мен кунлик нормаларини ошириб бажараётганларнинг иш тажрибасини кенг оммалаштириш билан, норма бажармаётганларни қаттиқ тартибга чақириш керак демоқчиман. Шу кунларда талабчанликни кучайтирмасак, кейинчалик аттанг деб қолиш мумкин.

Пахта нобудгарчилигига қарши кураш теримчиларнинг ҳам, механизаторларнинг ҳам диққат марказида бўлмоғи керак. Баъзан «Машиналар пахтани ерга тўкяпти» деган гапларни эшитиб қоляпмиз. Шуни айтиш керакки, карталар яхши тартибга келтирилган, ўқариқлар кўнгилдагидек текисланган, айланиш майдончалари талаблар даражасида тайёрланган бўлса, барг тўла тўктирилган бўлса, машиналар юқори унум билан ишлайди. Ана шу талабларга риоя қилинмаса пахта озми-кўпми тўкилиши мумкин. Шунинг учун бригада бошлиқлари механизаторлар билан ҳамкорликда теримдан олдин ташкилий ишларни пухта кўздан кечириб чиқишлари, айниқса эртага машина солинадиган карталарни бугун шайлаб қўйишлари лозим. Механизаторларимиз ўзларининг кўп йиллик тажрибаларини ёшларга ўргатишлари, ҳамма бир жон, бир тан бўлиб нобудгарчиликка йўл қўйилмаслиги лозим. Ўз меҳнатимиз билан етиштирган «оқ олтин»имизнинг бир мисқолини ҳам нобуд қилмайлик, юқори сорт билан териб давлатга топширайлик!

Ҳозир пахтазорда ғайрат кўрсатиладиган, юз берган камчиликлар дарҳол бартараф этиладиган, бор имкониятлардан оқилона фойдаланиб, суръатга суръат қўшиладиган пайт келди. Ирмоқлар бирлашиб дарёлар ҳосил қилганидек, ҳаммамизнинг, айниқса механизаторларимизнинг ғайрати билан республикамиз бўйича 5 миллион 900 минг тонналик «оқ олтин» хирмонига тезроқ галаба байроғи тикайлик! Ватан, партия биздан шуни кутяпти.

Мастура ФАЙЗИЕВА,
Қаршн районидаги Собир Раҳимов номли совхоз механизатори, оилавий терим экипажи бошлиғи, Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати.



Машина — теримда деҳқон қаноти.



Машинасиз ишнинг йўқдир суръати.

А. Жабборов чизган расмлар.

ИЛҒОР СОҲИБКОР ВА САБЗАВОТКОРЛАРГА БАЙРОҚЛАР

(Боши биринчи бетда).

Самарқанд областининг ихтисослашган Булунғур райони (район партия комитетининг секретари ўртоқ Ҳидиров, район ижроия комитетининг раиси ўртоқ Исоқов, район ижроия комитети қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Қодирқулов, район қишлоқ хўжалик маҳсулотларини харид қилиш ва сифатини белгилаш бош давлат инспектори ўртоқ Усмонқулов, район матлубот союзи правлениесининг раиси ўртоқ Солиев). Бу район давлатга ҳар хил сабзавот сотиш планини 77,3 процент, картошка сотиш планини 104,8 процент, полиз маҳсулотлари сотиш планини 107,2 процент, ҳўл мева сотиш планини 118,5 процент, узум сотиш планини 69,6 процент бажарган, сентябрь ойида сабзавот тайёрлашни йиллик планга нисбатан 48 процент, картошка тайёрлашни 75,9 процент, полиз маҳсулотлари тайёрлашни 99,4 процент, ҳўл мева тайёрлашни 14,2 процент, узум тайёрлашни 66,8 процент кўпайтиришни таъминлаган. Байроқ Самарқанд областининг Самарқанд районидан олиб берилади;

Тошкент областининг Коммунистик райони (район партия комитетининг секретари ўртоқ Алимов, район ижроия комитетининг раиси ўртоқ Цой, район ижроия комитети қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Эрназаров, район қишлоқ хўжалик маҳсулотларини харид қилиш ва сифатини белгилаш бош давлат инспектори ўртоқ Саидазимов, район матлубот союзи правлениесининг раиси ўртоқ Охунов). Бу район давлатга ҳар хил сабзавот сотиш планини 103,6 процент, картошка сотиш планини 102 процент, полиз маҳсулотлари сотиш планини 96,3 процент, ҳўл мева сотиш планини 173 процент, узум сотиш планини 100,2 процент бажарган, сентябрь ойида сабзавот тайёрлашни йиллик планга нисбатан 83,6 процент, картошка тайёрлашни 34 процент, полиз маҳсулотлари тайёрлашни 57,9 процент, ҳўл мева тайёрлашни 35,2 процент, узум тайёрлашни 100,2 процент кўпайтиришни таъминлаган. Байроқ Тошкент областининг Бўка районидан олиб берилади.

Наманган областининг Чортоқ райони (район партия комитетининг секретари ўртоқ Ҳакимов, район ижроия комитетининг раиси ўртоқ Раҳматов, район ижроия комитети қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Тиллабоев, район қишлоқ хўжалик маҳсулотларини харид қилиш ва сифатини белгилаш бош давлат инспектори ўртоқ Абдураҳимов, район матлубот союзи правлениесининг раиси ўртоқ Абдураҳмонова). Бу район давлатга ҳар хил сабзавот сотиш планини 101,9 процент, картошка сотиш планини 185 процент, полиз маҳсулотлари сотиш планини 159 процент, ҳўл мева сотиш планини 110 процент, узум сотиш планини 109 процент бажарган, сентябрь ойида сабзавот тайёрлашни йиллик планга нисбатан 42 процент, картошка тайёрлашни 14 процент, полиз маҳсулотлари тайёрлашни 39 процент, ҳўл мева тайёрлашни 29 процент, узум тайёрлашни 109 процент кўпайтиришни таъминлаган. Байроқ Жиззах областининг Пахтакор районидан олиб берилади;

мева-сабзавот маҳсулотлари етиштирувчи Қашқадарё ишлаб чиқариш аграр-саноат бирлашмасининг Охунбобоев номли ихтисослашган совхози (бирлашма директори ўртоқ Бердиев, совхоз директори ўртоқ Ашуров, партия ташкилотининг секретари ўртоқ Бобоев, ишчилар комитетининг раиси ўртоқ Файзиева). Бу совхоз давлатга ҳар хил сабзавот сотиш планини 124 процент, картошка сотиш планини 100 процент, полиз маҳсулотлари сотиш планини 106 процент, ҳўл мева сотиш планини 209 процент, узум сотиш планини 212 процент бажарган, сентябрь ойида сабзавот тайёрлашни йиллик планга нисбатан 53 процент, картошка тайёрлашни 92 процент, полиз маҳсулотлари тайёрлашни 99 процент, ҳўл мева тайёрлашни 209 процент ва узум тайёрлашни 212 процент кўпайтиришни таъминлаган. Байроқ мева-сабзавот маҳсулотлари етиштирувчи Қашқадарё ишлаб чиқариш аграр-саноат бирлашмасининг «Партия XIX съезди» совхозидан олиб берилади;

мева-сабзавот маҳсулотлари етиштирувчи Самарқанд аграр-саноат бирлашмасининг ихтисослашган «Боғизағон» совхози (бирлашма директори ўртоқ Луқмонов, совхоз директори ўртоқ Шерқулов, партия ташкилотининг секретари ўртоқ Зоҳидов, ишчилар комитетининг раиси ўртоқ Саъдуллаев). Бу совхоз давлатга ҳар хил сабзавот сотиш планини 104,8 процент, картошка сотиш планини 106 процент, ҳўл мева сотиш планини 168,1 процент, узум сотиш планини 108,7 процент бажарган, сентябрь ойида сабзавот тайёрлашни йиллик планга нисбатан 76,1 процент, картошка тайёрлашни 76,7 процент, ҳўл мева тайёрлашни 87 процент, узум тайёрлашни 108,7 процент кўпайтиришни таъминлаган. Байроқ мева-сабзавот маҳсулотлари етиштирувчи Хоразм ишлаб чиқариш аграр-саноат бирлашмасининг «Октябрь 50 йиллиги» совхозидан олиб берилади;

Андижон область Избоскан районидаги «Октябрь 50 йиллиги» совхози (совхоз директори ўртоқ Иброҳимов, партия ташкилотининг секретари ўртоқ Набиев, ишчилар комитетининг раиси ўртоқ Абдулҳакимов). Бу совхоз ҳар хил сабзавот сотиш планини 103 процент, ҳўл мева сотиш планини 100,5 процент, узум сотиш планини 100 процент бажарган, сентябрь ойида сабзавот тайёрлашни йиллик планга нисбатан 21,2 процент, ҳўл мева тайёрлашни 100,5 процент ва узум тайёрлашни 80 процент кўпайтиришни таъминлаган. Байроқ Тошкент областининг Бекобод районидаги «Ленинград» совхозидан олиб берилади;

Қорақалпоғистон АССР, Тўрткўл районидаги «Победа» колхози (колхоз правлениесининг раиси ўртоқ Отажонов, партия ташкилотининг секретари ўртоқ Пиркелдиев). Бу колхоз давлатга ҳар хил сабзавот сотиш планини 100,7 процент, полиз маҳсулотлари сотиш планини 100,9 процент, ҳўл мева сотиш планини 120 процент, узум сотиш планини 100 процент бажарган, сентябрь ойида сабзавот тайёрлашни йиллик планга нисбатан 25,2 процент, полиз маҳсулотлари тайёрлашни 60,7 процент, ҳўл мева тайёрлашни 24 процент, узум тайёрлашни 100 процент кўпайтиришни таъминлаган Байроқ Жиззах область, Жиззах районидаги «Москва» колхозидан олиб берилади;

Фарғона область Ўзбекистон районидаги Муқимий номли колхоз (колхоз правлениесининг раиси ўртоқ Хожиматов, партия ташкилотининг секретари ўртоқ Тўхтасинов). Бу колхоз давлатга ҳар хил сабзавот сотиш планини 105 процент, полиз маҳсулотлари сотиш планини 253,6 процент, ҳўл мева сотиш планини 115,5 процент, узум сотиш планини 108,3 процент бажарган, сентябрь ойида сабзавот тайёрлашни йиллик планга нисбатан 5 процент, полиз маҳсулотлари тайёрлашни 157.2 процент, ҳўл мева тайёрлашни 53.3 процент, узум тайёрлашни 108,3 процент кўпайтиришни таъминлаган. Байроқ Сирдарё область, Сирдарё районидаги Ильич номли колхоздан олиб берилади.

ХАЛҚ МАНФААТИНИ КЎЗЛАБ

Давлат страхованиеси ходимларининг кўп минг кишилик отряди СССРда давлат страхованиесининг 60 йиллигини нишонламоқдалар. Мамлакатимизда страхование ишини ташкил этиш меҳнаткашларнинг моддий фаровонлигини мустаҳкамлашнинг, қишлоқ хўжалигини муваффақиятли ривожлантиришнинг муҳим шартларидан биридир. В. И. Ленин 1918 йилдаёқ қишлоқ хўжалиги ёнғиндан, молларнинг ҳалок бўлишидан, ҳосилнинг унмаслигидан, қурғоқчиликдан, дўлдан ва бошқа табиий офатлардан страхование қилиниши лозим деб ёзган эди.

Мамлакатимизда давлат страхованиеси В. И. Ленин 1921 йил 6 октябрда имзолаган «Давлат мулк страхованиеси тўғрисида»ги декретдан бошланди ва бу декрет янги иқтисодий сиёсат, мамлакатни индустрлаштириш даврида, кейин эса қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш даврида муҳим аҳамиятга эга бўлди. Доҳий имзолаган бу декрет камбағал ва ўртаҳол хўжаликларга иқтисодий мадад кўрсатишга, колхозларнинг экономикасини ва меҳнаткашлар нинг моддий аҳволини яхшилашга хизмат қилди.

Ҳозирги даврда мамлакатимизда страхование қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши иқтисодий натижаларининг барқарорлигини таъминлашга жиддий таъсир ўтказмоқда. Қишлоқ хўжалиги экономикасини мустаҳкамлаш учун бошқа тадбирлар билан бир қаторда давлат страхование хизматидан ҳам фойдаланилмоқда.

Меҳнаткашларнинг моддий фаровонлигини оширишга қаратилган социал-иқтисодий тадбирлар системасида давлат страхованиеси муҳим ўрин тутади. Ўз ҳаётини ва мулкини страхование қилдириш аҳолига табиий офатлар натижасида етказилган зарарни қоплаш, пул жамғариш имконини бермоқда.

Республика давлат страхованиеси ходимлари СССР давлат страхованиесининг 60 йиллигини муносиб кутиб олмоқдалар. Улар страхование тўловлари тушими планларини ва социалистик мажбуриятларини кенг меҳнаткашлар оммасини кўнгилли страхование турлари билан қамраб олиш, уларга хизмат кўрсатиш маданиятини ошириш йўли билан йил сайин ортиғи билан бажармоқдалар. Чунончи, 1980 йилнинг охирига келиб, страхование тўловлари ҳажми 1970 йилдагига нисбатан страхованиенинг ҳамма турлари бўйича 3,5 баравардан зиёдроқ, жумладан, аҳоли ўртасида ихтиёрий страхование турлари бўйича 8,6 баравар кўпайди. Бунда республика аҳолиси билан давлат страхование органлари ўртасида тузилган ва амал қилаётган шартномалар миқдори 5,6 миллиондан ошиб кетди.

Давлат страхованиеси табиий офат юз берганда, ер қимирлаганда, ёнғин чиққанда ва бошқа тасодифий ҳодисалар содир бўлганда колхоз ва совхозларга, кооператив ташкилотларга ва гражданларга жуда катта молиявий ёрдам кўрсатмоқда. Шунингдек, гражданларнинг шахсий страхование бўйича жамғармалари ҳам уларга катта молиявий ёрдам бўлмоқда.

Ўнинчи беш йиллик давомида страхование шартларига мувофиқ қишлоқ хўжалик корхоналарига, кооператив ташкилотларига ва республика гражданларига 618,4 миллион сўм тўланди. Шундан 283,9 миллион сўми республика аҳолисига тўланди.

Коммунистик партия ва Совет ҳукумати сел, зилзила ва бошқа табиий офатлардан зарар кўрган аҳолига, хўжаликларга моддий ёрдам кўрсатишга алоҳида эътибор бериб келмоқда. Давлат страхованиеси 1981 йилнинг ўзида Назарбек зилзиласи, Қорақалпоғистон АССР, Хоразм, Бухоро ва бошқа областларда қаттиқ ёғингарчилик оқибатида зарар кўрганларга жуда катта ёрдам кўрсатди.

КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартияси XX съездининг халқ моддий фаровонлигини оширишга қаратилган қарорлари страхование ходимлари олдига гражданларнинг ҳаёти ва мулкини страхование қилишни янада ривожлантириш, хизмат кўрсатиш маданиятини ошириш вазифасини қўйди. Страхованиенинг ихтиёрий турларини кенг қўлланиб, халқ фаровонлигини оширишнинг резервлари ва имкониятларини тўла ишга солиш бизнинг бурчимиз ва мақсадимиздир.

А. УМАРХЎЖАЕВ,
Ўзбекистон ССР Давлат страхованиеси бош бошқармасининг бошлиғи.

ЖОНАЖОН ВАТАН БЎЙЛАБ

● **БОКУ.** Геодезия манфаатлари йўлида йўлдошларнинг лазер кузатувларидан фойдаланишга бағишланган халқаро семинар ўтказилди. «Интеркосмос» кенгаши ва СССР Фанлар академиясининг астросовети ўтказган бу учрашувда Болгария, Венгрия, ГДР, Куба, Польша, Руминия, СССР ва Чехословакия олимлари ҳамда мутахассислари қатнашдилар. Улар йўлдош орбиталарини ҳисоблаб чиқиш, табиий объектларнинг координаталарини белгилаш учун, геодинамик тадқиқотлар учун лазер ўлчовларини ишлаш методларини муҳокама қилдилар.

● **ЛЬВОВ.** «Қўл меҳнати машиналар зиммасига» китоб-эстафетаси Львов областидаги барча машинасозлик корхоналарида бўлди. Область касаба союзлари Совети таъсис этган бу китоб-эстафета ёрдамчи ишларни механизациялаш ва автоматлаштириш тажрибасини пропаганда қилади. Таклиф қилинган янгиликларнинг жорий этилишидан кўриладиган умумий иқтисодий самара бир миллион сўмликдан ошди. Ана шундай китоб-эстафеталарни бир қанча бошқа тармоқларнинг корхоналарида ҳам жорий этиш мўлжаллаб қўйилди. (ТАСС).

ЁЗ НЕЪМАТИ — ҚИШ ЗИЙНАТИ

Усмон Юсупов номли аграр-саноат ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли Янгийўл консерва заводи — республикамизда йирик озиқ-овқат саноати корхоналаридан бири. Корхонада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг турлари, салмоғи ва сифати йил сайин ошиб боряпти. Айниқса, ўтган йили завод коллективи катта ютуққа эришди. Савдо шохобчаларига 68 миллион дона банка мева консервалар етказиб берилди.


СССРнинг 60 йиллиги шарафига зарбдор меҳнат вахтасига чиққан консервачиларнинг бу йилги ютуқлари ҳам чакки эмас. Улар ўтган ойлар ичида 40 миллион дона (бунинг 6 миллион донаси мева шарбати) банка консерва тайёрлашди. Ёз неъмати — қиш зийнати эканлигини яхши билган корхона аҳли йил охирига қадар яна 38 миллион дона мева-сабзавот консервалари ҳозирлашга аҳд қилишди.

С. АЛИЕВ.

ПЛАНЕТАНИНГ БИР КУНИ

Эртага — Германия Демократик Республикаси ташкил этилган кунга 32 йил тўлади. Биринчи чинакам демократик ва тинчликсевар немис давлати — ГДР ташкил топганлиги — Европа тақдири учун сўнмас тарихий аҳамиятга молик воқеадир. Бу воқеа гитлерчилар фашизми тор-мор этилиши натижасида Европа халқлари ҳаётида рўй берган ўзгаришларнинг ёрқин ифодаси бўлди. ГДРнинг бунёдга келиши Улуғ Октябрь социалистик революцияси бошлаб берган жаҳон революцион жараёнининг муҳим босқичидир.

Немис ишчи ва деҳқонлари биринчи социалистик давлатининг меҳнаткашлари ўз миллий байрами — республика ташкил топганлигининг 32 йиллигини экономика, фан ва маданиятни ривожлантиришдаги улкан ютуқлар билан кутиб олмоқдалар. Республика дунёдаги иқтисодий жиҳатдан энг ривожланган давлатлар қаторидан жой олди, фан-техника ва маданиятни ривожлантиришда, ижтимоий соҳада илғор марраларга эришди.



Суратда: Берлин, Александерплац майони.
АДН—ТАСС фотоси.

«Ядро қуролсиз тинч Европа учун»

КОШИЦЕ. Бу ерда Европа мамлакатларида тинчлик учун курашувчиларни бирлаштирадиган ташкилотлар вакилларининг учрашуви тугади. Учрашув Чехословакия тинчлик комитетининг ташаббуси билан чақирилди ва «Ядро қуролсиз тинч Европа учун» шиори остида ўтди.

Учрашув қатнашчилари Европадаги вазият масалалари юзасидан фикрлашиб олдилар ҳамда кескинликни юмшатиш жараёнини мустаҳкамлашга, ядро уруши хавфини тугатишга қаратилган куч-ғайратларни активлаштириш жуда зарур эканини таъкидладилар.

Улар КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежневнинг КПСС XXVI съездида ўртага ташлаган тинчлик ташаббусларини, шунингдек СССРнинг БМТ Бош Ассамблеяси XXXVI сессиясидаги таклифларини қўллаб-қувватлашларини изҳор этдилар. Мунозара иштирокчилари Американинг «чекланган» ядро уруши деб аталган уруш доктринасини қатъиян рад қилдилар.

Улар Европада ҳарбий кескинликни юмшатиш ва қуролсизланиш юзасидан ўтказиладиган конференция катта аҳамиятга эга бўлиши мумкинлигини ҳам таъкидладилар.

СОВЕТ КИТОБЛАРИ ЖАКАРТАДА

15 мингдан ортиқ студент таълим олаётган, мамлакатдаги энг йирик ўқув юртларидан бири бўлган Жакартадаги «Индонезия» университетида Совет Иттифоқининг «Прогресс» ва «Планета» нашриётлари ҳамда «Новости» матбуот агентлиги нашриёти томонидан чиқарилаётган китоблар савдо-кўргазмаси очилди. Бу ерда илм-фаннинг турли тармоқлари бўйича 200 дан ошиқ номдаги китоблар жой олган, кўргазма университет ва Жакартадаги бошқа ўқув юртларининг студентлари, профессор ва ўқитувчиларининг, шунингдек, СССРнинг социал-иқтисодий проблемалари билан қизиқувчи мутахассислар эътиборини жалб қилди.

Л. И. Брежневнинг «Кичик ер», «Тикланиш» ва «Қўриқ» трилогияси кўргазмада марказий ўринни эгаллайди. Совет Иттифоқининг ташқи сиёсати, Советлар мамлакати халқларининг коммунистик жамият қурилишининг турли соҳаларида эришган ютуқлари алоҳида стендни ташкил этади.

«СССР бўйлаб саёҳат», «Москва», «Ватан» фотоальбомлари, шунингдек «Қуролланиш пойгасига йўл йўқ!», «Меҳнатимиз — тинчлик иши учун» ва шу каби бошқа плакатлар кўргазма томошабинларида катта қизиқиш уйғотди.

— Индонезияда тобора кўпроқ диққат-эътиборга сазовор бўлаётган совет нашриётларининг маҳсулотлари, — деди университет ўқитувчиси Лампан, — Совет Иттифоқининг социал-иқтисодий турмушининг турли соҳаларида эришган ютуқлари билан яхшироқ танишиш имконини бермоқда.

Фактларга бой материаллар, китобларнинг имкониятдаги баҳолари жакарталик студентларни ўзига жалб қилмоқда, деб қайд қилди «Трисакти» университетининг студенти Марсудин.

Кўргазма Индонезиянинг «Чанз бук стор» фирмасининг ҳамкорлигида ташкил этилган. Бу фирма Совет Иттифоқининг «Международная книга» ташқи савдо бирлашмаси билан амалий алоқалар боғлаган.

— Биз тўла асос билан айтамизки, — дея баён қилди фирма раҳбари Атманжа, — совет китоблари ва дарсликлари билан савдо қилиш катта истиқболга эга ишдир.

И. ЗАБАШТИН.
(АПН).

РЕЙГАННИНГ СИЁСАТИ ТАНҚИД ҚИЛИНДИ

КОПЕНГАГЕН. Дания ташқи ишлар министри К. Олесен Рейган маъмуриятининг Америка стратегик қурол-яроғларини кўпайтириш йўлидаги янги қадамларини танқид қилди.

К. Олесен бу ерда тарқатилган баёнотида, АҚШ маъмуриятининг ҳаракатларини «жуда ташвишга солувчи» ҳаракатлар деб таърифлади ва бу ҳаракатлар қуролланиш пойгасини тағин кучайтириб юбориши мумкин, деб таъкидлади. Министр стратегик ядро қуролларини чеклаш проблемалари юзасидан СССР билан АҚШ ўртасидаги музокаралар бошланиши заруриятини уқтириб ўтди ҳамда бошқа турдаги қурол-яроғларни чеклаш масалалари юзасидан иккала мамлакат ўртасида музокаралар ўтказиш тўғрисидаги қарорни табриклади.

АМЕРИКА — МИСР МУЗОКАРАЛАРИ

ВАШИНГТОН. АҚШ Давлат секретари А. Хейг Америка раҳбарлари билан Миср вице-президенти Х. Мубоaccessнинг бу ерда ўтказилган музокаралари якунларини «барча сиёсий проблемалар хусусида томонларнинг нуқтаи назарлари амалий равишда бир-бирига тўла мувофиқ эканлигининг далили, деб таърифлади.

Америка — Миср ҳарбий ва иқтисодий ҳамкорлиги масалаларини муҳокама қилиш учун расмий визит билан бу ерга келган Миср вакили АҚШ президенти Р. Рейган билан, мудофаа министри К. Уайнбергер ва дипломатия маҳкамасининг бошлиғи билан учрашди.

Х. Муборак музокараларининг аниқ мазмуни гарчи сир тутилаётган бўлса ҳам, Қоҳиранинг юқори мансабдор вакили Мисрга Американинг ҳарбий анжомларини кўпроқ етказиб беришни расмий Вашингтондан илтимос қилганлиги маҳаллий матбуот хабарларидан маълум бўлди.

Қоҳиранинг қўшимча миқдордаги Америка қуролини тезроқ қўлга киритиб олишга интилаётганлиги Яқин Шарқдаги мустақил мамлакатларга, шу жумладан Ливияга ҳам қарши қандайдир яна бир иғвогарликка тайёргарлик кўрилаётганидан дарак беради.

Редакция почтасидан

ЛЕКТОР

Қўзи Турдиев ишдан қайтди-ю, нонушта қилиб бўлгач, ҳозиргина почтальон ташлаб кетган газета-журналларни қўлига олди. «КПСС XXVI съезди қарорлари — ҳаётга!», «Оламда нима гап?», «Пропагандист ён дафтаридан» каби рубрикалар остида берилган материалларни, айниқса, синчиклаб ўқиди. Айрим жумлаларни ён дафтарчасига кўчириб олди.

Бу Қ. Турдиевнинг кундалик одати. Бундан ташқари радио орқали бериладиган сўнгги ахборотларни, Марказий телевидениенинг «Время» программасини мунтазам кузатиб боради. Ҳар галги эшиттириш ёки кўрсатувдан кейин ён дафтарчасида янгидан-янги ёзувлар пайдо бўлади. Бу ёзувлар унга лекция текстини тайёрлаганида ва суҳбат давомида тушган саволларга жавоб қайтарганида қўл келади. Ахир, у лектор, «Билим» жамияти Урганч шаҳар ташкилотининг халқаро масалалар бўйича секция мудири.

Шу кунларда у директорлик қилаётган 26-ҳунар-техника билим юртида КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартияси XX съезди ҳужжатларини пропаганда қилиш мақсадида ташкил этилган махсус лекторий қизғин иш олиб боряпти. Бу эса билим юртида таълим-тарбия жараёнини активлаштиришга самарали таъсир кўрсатмоқда.

Шунингдек, бу ерда ёш лекторлар мактаби ташкил қилинган. Машғулотлар икки йилга мўлжаллаб тузилган қатъий план асосида олиб борилади. Уларда сўз санъати, лекция ва суҳбатларга тайёргарлик кўриш, уларни уюштириш ва ўтказиш пухта тушунтирилмоқда.

Ж. МАТЕҚУБОВ,
Тошкент олий партия мактабининг тингловчиси.

УМР МАЗМУНИ

Турди бобо Эшпўлатовни Ғиждувон районидаги Калинин номли колхозда ҳамма ҳурмат қилади. Турди бобо колхоз тузилишида фаол қатнашган, бир неча йил раислик ҳам қилган.

— Коллективлаштириш, саводсизликни тугатишда қатнашдик. У пайтда ҳозиргидек техника, ўғитлар, сув етарли эмас эди. Ерни омоч билан ҳайдардик, — дея эслайди отахон.

У Улуғ Ватан уруши йиллари фронт орқасида ҳалол ишлаб, буюк Ғалабага катта ҳисса қўшди. Тинч қурилиш даврида эса, фидокорона меҳнат қилиб обрў қозонди. Мана, 18 йилдирки, Т. Эшпўлатов кексалик гаштини сурмоқда. Лекин пенсионерман, деб қўл қовуштириб ўтиргани йўқ. 90 баҳорни қаршилаётган бобо ҳали бардам. У тажрибали деҳқон сифатида пахтакорларга ҳамиша маслаҳатгўй. Наматгарон қишлоғидаги тўй ва маъракаларда эса доимо бош-қош. Турди бобо сермазмун умри ва ибратли ишлари билан эл ҳурматини қозонган.

Б. ЭГАМОВ.

УРУШ ОЛОВИ ЁҚУВЧИЛАРНИ ОГОҲЛАНТИРИШ

ХАЛҚАРО ОБЗОР

Жаҳон жамоатчилиги 1 октябрь куни Нюрнбергда халқаро трибунал томонидан асосий нацист ҳарбий жиноятчилар устидан чиқарилган ҳукмнинг 35 йиллигини нишонлади. Бу кун кишилар хотирасида унутилмас из қолдирди. Бунинг боиси шуки, тарихда биринчи марта давлатнинг сиёсати — фашистлар Германиясининг сиёсати жиноий сиёсат деб қораланди. Фашистлар Германиясининг сиёсати агрессив урушларни бошлаб юборишга ва миллионларча кишиларнинг қирилишига олиб келди. Бунинг учун зиммасига асосий жавобгарлик юкланган шахслар жазоланди.

Нюренберг судида чиқарилган ҳукм тарихий аҳамиятга молик бўлиб, агрессив урушга ва бу урушда қурол-яроғларнинг ваҳшиёна турларидан, хусусан ялпи қирғин қуролидан фойдаланишга умид боғлаган ҳамма шахсларни, шунингдек давлатлар ўртасида можаро чиқариш ролини бажаришга уринаётган кишиларни қаттиқ огоҳлантиради.

Жаҳонда бундай шахслар ҳануз оз эмаслигини унутмаслик керак. Ядро урушининг ном чиқарган «назариячиси» АҚШдаги Гудзон институтининг профессори Герман Кан «Ю. С. Ньюс энд уорлд рипорт» журналида босилган суҳбатида беҳаёлик билан шу гапларни айтди: «Биз ядро урушини чинакам олиб боришга ва унда ғалаба қозонишга шай бўлиб туришимиз керак. Мен буни «хаёлга келтириб бўлмайдиган нарса тўғрисида ўйлаш» деб ҳисоблайман».

Жаҳон халқлари «хаёлга келтириб бўлмайдиган шундай нарса тўғрисида ўйлаш»ни жиноят деб билиб, қатъиян рад этмоқдалар. Улар инсониятни дафн этиш йўлини эмас, балки ҳаёт негизларини мустаҳкамлаш йўлини тутмоқдалар. Шу боисдан Совет Иттифоқининг кейинги таклифи бутун жаҳонда кенг кўламда қўллаб-қувватланди. Совет Иттифоқи БМТ Бош Ассамблеяси БМТга аъзо бўлган барча мамлакатлар номидан иш кўриб, ядро қуролидан биринчи бўлиб фойдаланадиган давлатлар ва давлат арбоблари инсониятга қарши, ер юзидаги ҳаётнинг ўзига қарши энг оғир жиноят қилган бўлур эдилар, деб тантанали суратда эълон қилувчи декларацияни қабул қилсин, деб таклиф этган эди.

Англиянинг таниқли сиёсий ва жамоат арбоби лорд Брокуэй Совет Иттифоқининг тинчлик борасидаги ташаббусини қўллаб-қувватлаб бундай деди: «Биз ялпи қирғин қуролининг энг мудҳиш турлари пайдо бўлаётганлигини кўриб турибмиз. Шу сабабли барча халқлар жаҳоннинг ядро уруши гирдобига тушиб қолишига йўл қўймаслик мақсадида ғоят актив ҳаракат қилишлари зарур. Буни тобора кўп кишилар, шу жумладан Буюк Британия аҳолиси ҳам тушуна бошлади. «Қанотли ракеталарга йўл йўқ!», «Нейтрон қуролига йўл йўқ!», деб айтаётган кишилар сони ортиб боряпти».

Франция, Голландия, Италияда ва Ғарбий Европанинг бошқа мамлакатларида ҳам тинчликни ҳимоя қилиш йўлидаги кенг оммавий намойишлар ва юришлар авж олиб кетди. Ўртоқ Л. И. Брежнев «Перужа — Ассизи» тинчлик юришининг қатнашчиларига мурожаат қилиб, қуйидагиларни таъкидлаб ўтди: «Маълумки, Совет Иттифоқи ядро қуроли, шунингдек бошқа хил ялпи қирғин қуроли батамом тақиқлансин ва тугатилсин, деб келди ва ҳозирда ҳам шундай демоқда. Биз ядросиз зоналар яратиш ғоясини қўллаб-қувватлаймиз, Европа тинчлик ва яхши қўшничилик қитъасига айлантирилиши учун қатъий кураш олиб боряпмиз. Бизнинг мамлакатимиз қуролсизланиш проблемасининг ҳамма жиҳатлари юзасидан музокаралар олиб бориш тарафдоридир. Мамлакатимиз ўзаро асосда ва тенглик ҳамда бирдай хавфсизлик принципига риоя этилган ҳолда қуролларнинг ҳар қандай турини чеклаш, тақиқлашга розидир».

МУДҲИШ НИШОНАЛАР

Капитализм дунёсининг молиявий пойтахтларида мудҳиш ваҳима тўлқини кучайиб кетди. Ўтган ҳафта ичида Нью-Йорк, Лондон, Париж, Токио, Франкфурт-Майн, Цюрих, Гонконг ва Мельбурнда Лондон газеталаридан бирининг образли таъбирича, «парашютчи парашютсиз ғизиллаб тушганидек», акцияларнинг курси ҳам жуда пасайиб кетди. «Қора душанба» деб аталган 28 сентябрь кунидагина стакчи кўп миллатли корпорациялар акциялари неча ўн миллиард доллар пасайди. «Биржа Рейган программасига ишончсизлик билдирди» — Американинг Уолл-стрит биржасидаги таниқли ходим Р. Стовалл бунга шундай баҳо берди.

Лондон биржасининг раиси Н. Гудисон бу фикрни кенгайтириб, бундай деди: «Ҳукуматларнинг ўз харажатларини қисқартириш ва инфляцияни жиловлаб қўйиш йўлидаги уринишлари барбод бўлганлиги ҳозирги кризиснинг асосий сабабидир. Қўшма Штатларда ва Ғарбнинг бошқа мамлакатларида ҳукуматлар жуда кўп маблағ сарф қилаётганлиги беқарорликни вужудга келтирди. Президент Рейганнинг даромади билан буромади бир-бирига тўғри келмай қолганлигини пайқаб олишлари билан биржаларда ваҳима бошланди».

Даромад билан буромаднинг бир-бирига тўғри келмай қолганлигига сабаб шуки, Рейган маъмурияти қуролланиш пойгасини ҳаддан ташқари кучайтириб юборди ва бундай йўлни НАТОдаги ўз шерикларига тиқиштирди, Ҳозирги кризисга асос бўлган нарса шуки, НАТОга аъзо бўлган давлатлар урушдан кейинги йилларда қуролланиш пойгаси учун 3,5 триллион доллар сарф қилдилар. Бунинг 2,3 триллион доллардан кўпроғи АҚШ ҳиссасига тўғри келади. Капиталистик экономика гарданида чўян тошдек осилиб турган ана шу унумсиз харажатлар пулнинг ғоят тез қадрсизланиб бораётганлигига асосий сабабдир.

Аммо шунга қарамай, Рейган ҳукумати яқин беш йил ичидагина қуролланиш пойгаси учун 1,5 триллион доллардан ортиқ маблағ сарф қилиш ниятидадир. Жаҳоннинг молиявий пойтахтларида бюджетдан социал эҳтиёжларга ажратиб бериладиган маблағлар гарчи неча ўн миллиард доллар миқдорида қисқартирилаётган бўлса ҳам, бу ҳол Рейган маъмурияти қилганидек, қуп-қуруқ бўлиб қолаётган давлат хазинасини пул билан таъминлай олмаслигини жуда тез ҳисоблаб чиқдилар. Америка президентининг АҚШ бюджетини ўз президентлиги муддатининг охиригача баланслаш юзасидан олган ҳамма мажбуриятлари пуч бўлиб чиқажагига ҳам сабаб шу. Биржаларда асосли равишда таъкидлаб ўтганларидек, бу ҳол бир нарсадан далолат бериб турибди: пул беқадр бўлаверади, турмуш даражаси пасайиб кетади, маҳсулот ишлаб чиқариш эса қисқариб боради. Бундай ҳолат муқаррар рўй беражаги туфайли акцияларнинг курси ҳам тушиб кетди.

Г. ШИШКИН.
(ТАСС).

ЭРОНДАГИ ВАЗИЯТ

ТЕҲРОН. Эрон хавфсизлик кучлари режимга қарши қуролли кураш йўлига ўтган ҳамда ҳукуматга қарши ҳаракат қилаётган ташкилотларини аниқлаш операциясини давом эттирмоқда.

Шероз шаҳридаги вазият кескин бўлиб турибди. «Кайҳон» газетасининг хабар қилишича, бу шаҳарда террорчилик ҳаракатларида қатнашган 20 нафар шофер қамоққа олинди, режим душманларининг махфий қароргоҳи фош қилинди. Кўчада бошланиб кетган отишма натижасида «ислом революцияси посбонлари»дан 2 киши ва ҳукуматга қарши гуруҳларнинг аъзоларидан 8 киши ўлди.

Ислом Республикаси бош прокурори маҳкамасининг бу ерда тарқатилган баёнотида хабар қилинишича, ислом революцион трибуналларининг ҳукмларига биноан кейинги бир неча кун ичида Керманшоҳ, Моҳшаҳр, Исфаҳон, Решт, Ҳамадон ва Кермон шаҳарларида режимга қарши қуролли курашда айбланиб, яна 66 киши қатл этилди.

(ТАСС, 5 октябрь).

ШЕЪРИЯТИМИЗНИНГ НУРЛИ УФҚЛАРИ

ҚАРДОШЛИК МУШОИРАСИ

«Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистон совет шеърияти уфқлари: Тажрибалар. Муаммолар. Истиқболлар» — бугун Тошкентда СССР Ёзувчилар союзи, «Дружба народов» журнали ва Ўзбекистон Ёзувчилар союзи ҳамкорликда ўтказадиган «Давра столи» атрофидаги суҳбат ана шу мавзуга бағишланади. Унда совет адабиётининг бир гуруҳ таниқли намояндалари иштирок этади, совет шарқи шеърияти тажрибалари, муаммолари муҳокама қилинади. «Давра столи» атрофидаги суҳбатдан кейин Москвадан, Қозоғистон, Туркманистон, Қирғизистон ва Тожикистондан келган таниқли шоирлар, мунаққидлар ва таржимонлар республикамиз меҳнаткашлари ҳаёти билан яқиндан танишадилар. Жойларда учрашувлар, мушоиралар бўлади. Тошкентдаги муҳташам Санъат саройида катта совет шеърияти кечаси ўтказилади.

Евгений ЕВТУШЕНКО,
РСФСР

ЭШИК ЧЕРТИЛГАНДА

«Кимсан?»
«Кексаликман.
Енингга киргиз».
«Сўнгроқ.
«Ҳозир бандман.
Ишларим тиғиз».
Ездим.
Қўнғироқ қилдим.
Овқатни урдим.
Эшик очганимда
йўқ эди ҳеч ким.
Балки ҳазил қилган дўстларим яниб,
Балки эшитмадим номини аниқ!
Кексаликмас,
етуклик балки келгандир,
Кутмай,
хўрсинган-у
кетиб қолгандир.

Русчадан
Маъруф ЖАЛИЛ
таржимаси.

Суюнбой ЭРАЛИЕВ,
Қирғизистон

ҚОРАҚАЛПОҚ ДЎСТИМГА

Бу бир эртак. Жуда қадим замонда,
Бир одамнинг эгиз ўғли бўларкан.
Бировига оқ қалпоқ, бировига —
Қорақалпоқ дея исм қўяркан.

Ва орадан анча йиллар ўтибди,
Эгиз ўғлон вояга ҳам етибди.
Қорақалпоқ Қоратоғни кўзлабди,
Оқ қалпоқ-чи, Олатовга кетибди.

Бу бир чўпчак, эл оғзидан уққанман,
Бошқача ҳам эртак бордир, билмадим...
«Олатовдан оқ қалпоғим келгин», деб
Қалпоғингни қўлга олиб, имладинг.

Мана, келдим, онамиз бир, ота бир,
Икки сўқа бўлинибмиз бекор биз,
Қалпоғимиз рангида фарқ бўлмаса,
Аслида-чи,
мақсади бир жондош ака-укамиз!

Йўл узоғ-у, кўнгил яқин, биродар,
Қайда бўлсак кўп қатори биргамиз.
Ермиз бир, элимиз бир, Ватан бир,
Улуғ доҳий қуриб берган уйдамиз.

Қирғизчадан Турсунбой АДАШБОЕВ
таржимаси.

Товшан ЭСЕНОВА
Туркманистон

ОЛАТОВ

Мағрур бошинг қоматдор,
Чор атрофинг чаманзор,
Салом, сенга Олатов!
Ён бағринг чаман-гулзор,
Гул белбоғли Олатов,
Салқин сойли Олатов.

Сен тоғларнинг гўзали,
Минг булоқнинг ғазали.
Таъзим қилай сенга мен
Жайхунининг онаси сен,
Меҳрибоним Олатов,
Уз маконим Олатов.

Сизиб ирмоқларингдан,
Тошиб дарёларингдан
Олам андоза олар
Тянь-Шанининг қаддидан
Куйга тўлган Олатов,
Чечак унган Олатов.

— Эй тенгдошим,
тўхтагин,
Сенга бордир бир гапим:
Ҳу йиллкилар ёнида, —
Турган у булутмикин?..

Гўзал экан Олатов.
Ғазал экан Олатов.

— Булут қайда. Пода у,
Тоғ кўркига шода у,
Дарёдаги оққан сув
Қаймоқ, қимиз, айрон-у!
Сахий қалбли Олатов,
Сарв қоматли Олатов,

Тянь-Шань кўксинг
ёз бўлган,
Мардлар иши соз бўлган,
Оқ қалпоқли қирғизнинг
Нигоҳи нурга тўлган.
Шўх наволи Олатов.
Хуш сафоли Олатов.

Туркманчадан
Абдурашид НУРМУРОДОВ
таржимаси.

Акобир ШАРИФИЙ,
Тожикистон

ҲАЙВОНОТ БОҒИ

БОЛАЛАРИНГИЗГА ЎҚИБ БЕРИНГ

Қилмоққа истироҳат
Мен-у Лола-ю Роҳат

Ҳайвонот боғи томон
Йўл олдик хушҳол, шодон.
Боғ ажойиб жой экан,
Қушчаларга бой экан.
Катта ҳовузни кўрдик,
Ўрдак, товусни кўрдик,
Думсиз оппоқ айиқча,
Томоша бердк анча.
Қумри, булбул ва каптар
Диққатингни тез тортар.
Тўти, «ку-ку»ни кўрдик,
Йўлбарс, оҳуни кўрдик.
Эҳ, боғ сайри қандай соз,
Фил, жирафа, шер-у гоз...
Уйинқароқ маймунча
Тиним билмас намунча!
Узин ҳар ён ўради,
Бизга қараб кулади.
Бир томонда парранда,
Бир томонда дарранда.
Балиқчалар жуда кўп,
Сузиб юришар тўп-тўп,
Менга ишонмасангиз,
Бориб кўринг ўзингиз.

Тожикчадан
Шодн САТТОР
таржимаси

АХБОРОТ

ҚАШҚАДАРЕ

ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ЯХШИЛАНМОҚДА

Қарши станциясида колхоз бозори қурилиши тугалланиб, фойдаланишга топширилди. «Ўзторгстрой» трестининг 5-қурилиш-монтаж бошқармаси «Каршиирмонтаж» трестининг 5- ва 37-механизациялашган кўчма колонналари, «Госкомсельхозтехника» область бирлашмасининг ремонт заводи коллективлари бозор қурилишида 400 минг сўмлик ишни амалга оширдилар. Бозорда савдо расталари, озиқ-овқат, сут, нон, хўжалик, саноат моллари магазинлари, гўшт, сабзавот дўконлари, «Салом» чойхонаси бор.

ДОРИХОНА ИШГА ТУШДИ

Шаҳрисабз шаҳрида меҳнаткашлар учун яна бир қулайлик яратилди. Бу ерда замонавий типда уч қаватли дорихона биноси қурилди. Уни бунёд этишда «Каршипромжилстрой» трестининг 1-механизациялашган кўчма колоннаси қурувчилари ғайрат кўрсатишди.

ҚИЧҚИНТОЙЛАРГА ТОРТИҚ

Қарши район пионер ва ўқувчиларига 19-қишлоқ қурилиши трести бунёдкорлари ажойиб совға топширдилар. Район марказида музика мактаби ва пионерлар уйи биноси қурилди. Музика мактаби билан пионерлар уйида ёш авлоднинг билим ва тарбия олиши учун барча қулайликлар мавжуд.

Қарши шаҳрининг Пахтазор микрорайонида 280 ўринли болалар боғчаси қурилиб, фойдаланишга топширилди. Унга «Олтин калит» деб ном берилди. «Эскиангорканалстрой» трести ишчи ва хизматчиларининг фарзандлари учун ҳам ана шундай болалар боғчаси қуриб берилди.

М. КАРОМОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

СПОРТ

ШАХМАТ:

ОЛДИНДА — АНАТОЛИЙ КАРПОВ

Италиянинг Мерано шаҳрида ўтаётган жаҳон шахмат тожи учун бахсда иккинчи партия якунланди. У шанба куни бошланиб, Карповнинг устунлиги билан ўтди. Карповда ортиқча пиёда билан ўйин кечиктирилди. Якшанба куни эса ўйин давом эттирилди. Бунда даъвогар аҳволи оғир бўлгани учун яна бир пиёдани қурбон қилди. Лекин унга бу ҳам фойда бермади. Карпов ўзининг қанотдаги пиёдасини сура бошлади. Бу пиёда фарзинга айланиши мумкин эди. Қаршилик кўрсатишнинг фойдаси йўқлигини англаган Корчной мағлубиятини тан олди.

Рақибига нисбатан қизиқарли ўйин кўрсатган Карпов иккинчи марта ғолиб чиқди. Ҳисоб 2:0.

ЧИМ ХОККЕЙ:

ЯНА МАҒЛУБИЯТ

Москванинг «Динамо» стадионида аёллар ўртасида чим хоккей мусобақасининг ҳал қилувчи бахслари ўтказилаётир. Бунда мамлакатимизнинг олти кучли команда си қатнашяпти. Ҳозирча Москва области спартакчилари пешқадамлик қилишмоқда. Улар мамлакатимиз чемпионатининг олтин медалига икки марта сазовор бўлган «Андижанка» хоккейчилари устидан 3:1 ҳисобида ғалабага эришдилар. Ҳозир пешқадамда 39 очко бор. Москва физкультура институти спортчилари Олмаотанинг «Связист» хоккейчилари устидан 2:0 ҳисобида устун келишди. Улар 38 очко билан иккинчи ўринни эгаллаб туришибди. «Андижанка»да эса 37 очко бор.

АЛЬПИНИЗМ:

ТОШКЕНТЛИК ЧЕМПИОН ҚИЗ

Мамлакатимизнинг турли республикаларидан, Москва ва Ленинград шаҳарларидан келган 60 кучли альпинист Арманистон ССРдаги Арпа дарёси бўйида СССР ўнинчи чемпионатининг совринлари учун мусобақалашяпти. Бу мусобақаларда тошкентлик СССР чемпиони Флюра Жирнова катта ютуққа эришди. У аёллар кўп кураш мусобақаларида ғолиб чиққан эди. Флюра жуфт беллашувда ҳам ҳаммадан кучли эканини намойиш этди.

ХОККЕЙ:

ЙИРИК ҲИСОБ БИЛАН

Москванинг ЦСКА командаси хоккейчилари СССР чемпионатида энг йирик ҳисобда (12:1) Челябинскнинг «Трактор» командасини мағлубиятга учратдилар. Бу чемпионнинг тўртинчи ғалабасидир. Қолган ўйинлар қуйидаги натижада тугади: «Ижсталь» — «Крилья Советов» — 3:2, СКА (Ленинград) — «Торпедо» (Горький) — 3:0, «Динамо» (Рига) — «Динамо» (Москва) — 2:5.

1950 йилда чиқарилган СССР халқ хўжалигини тиклаш ва ривожлантириш бешинчи давлат заёмининг 1981 йил 15 сентябрда Москвада бўлиб ўтган шу заём пулини тўлаш бўйича биринчи тиражининг

РАСМИЙ ЖАДВАЛИ

Тиражда муомалага чиқарилган барча разряддаги заёмларнинг қуйидаги сериялар группаси (ҳар бири 25 сериядан)-га мансуб ҳамма 50 номери (01 дан 50 гача) облигацияларнинг пули тўланади.

Серия № дан	Серия № гача	Серия № дан	Серия № гача	Серия № дан	Серия № гача	Серия № дан	Серия № гача
080001—080025	084776—084800	089901—089925	095051—095075				
080051—080075	084801—084825	089976—090000	095076—095100				
080076—080100	084826—084850	090001—090025	095126—095150				
080101—080125	084851—084875	090026—090050	095176—095200				
080176—080200	084901—084925	090051—090075	095226—095250				
080201—080225	084926—084950	090101—090125	095276—095300				
080251—080275	084976—085000	090176—090200	095326—095350				
080301—080325	085126—085150	090201—090225	095376—095400				
080426—080450	085151—085175	090226—090250	095401—095425				
080451—080475	085176—085200	090276—090300	095426—095450				
080476—080500	085201—085225	090301—090325	095451—095475				
080551—080575	085226—085250	090351—090375	095526—095550				
080576—080600	085276—085300	090376—090400	095551—095575				
080601—080625	085301—085325	090401—090425	095651—095675				
080626—080650	085326—085350	090426—090450	095676—095700				
080651—080675	085351—085375	090526—090550	095776—095800				
080676—080700	085426—085450	090551—090575	095801—095825				
080701—080725	085451—085475	090576—090600	095826—095850				
080751—080775	085501—085525	090601—090625	095851—095875				
080801—080825	085526—085550	090651—090675	095876—095900				
080851—080875	085576—085600	090701—090725	095951—095975				
080876—080900	085601—085625	090751—090775	096026—096050				
080926—080950	085626—085650	090776—090800	096051—096075				
080951—080975	085651—085675	090801—090825	096076—096100				
080976—081000	085676—085700	090826—090850	096101—096125				
081051—081075	085701—085725	090926—090950	096151—096175				
081101—081125	085751—085775	090951—090975	096176—096200				
081126—081150	085801—085825	091001—091025	096226—096250				
081151—081175	085826—085850	091026—091050	096251—096275				
081176—081200	085851—085875	091051—091075	096401—096425				
081201—081225	085876—085900	091076—091100	096451—096475				
081251—081275	085926—085950	091201—091225	096501—096525				
081276—081300	085976—086000	091326—091350	096526—096550				
081326—081350	086001—086025	091351—091375	096551—096575				
081426—081450	086026—086050	091401—091425	096626—096650				
081526—081550	086051—086075	091451—091475	096676—096700				
081576—081600	086076—086100	091501—091525	096701—096725				
081626—081650	086101—086125	091551—091575	096776—096800				
081701—081725	086126—086150	091601—091625	096826—096850				
081726—081750	086151—086175	091626—091650	096851—096875				
081751—081775	086251—086275	091701—091725	096876—096900				
081851—081875	086276—086300	091726—091750	097001—097025				
081876—081900	086301—086325	091776—091800	097051—097075				
081901—081925	086351—086375	091826—091850	097126—097150				
081926—081950	086376—086400	091926—091950	097151—097175				
081951—081975	086476—086500	091976—092000	097201—097225				
081976—082000	086526—086550	092001—092025	097301—097325				
082026—082050	086551—086575	092101—092125	097326—097350				
082051—082075	086601—086625	092151—092175	097351—097375				
082076—082100	086626—086650	092176—092200	097426—097450				
082101—082125	086651—086675	092251—092275	097476—097500				
082301—082325	086676—086700	092376—092400	097576—097600				
082351—082375	086701—086725	092426—092450	097651—097675				
082401—082425	086751—086775	092451—092475	097676—097700				
082426—082450	086776—086800	092501—092525	097726—097750				
082451—082475	086826—086850	092526—092550	097751—097775				
082476—082500	086851—086875	092551—092575	097801—097825				
082501—082525	086876—086900	092576—092600	097826—097850				
082526—082550	086901—086925	092626—092650	097876—097900				
082551—082575	086951—086975	092676—092700	097901—097925				
082601—082625	087001—087025	092751—092775	097926—097950				
082651—082675	087051—087075	092776—092800	097951—097975				
082701—082725	087151—087175	092801—092825	097976—098000				
082726—082750	087326—087350	092901—092925	098001—098025				
082751—082775	087351—087375	093026—093050	098051—098075				
082776—082800	087401—087425	093126—093150	098076—098100				
082801—082825	087501—087525	093151—093175	098101—098125				
082876—082900	087526—087550	093201—093225	098126—098150				
082901—082925	087551—087575	093226—093250	098176—098200				
082926—082950	087576—087600	093251—093275	098201—098225				
082951—082975	087601—087625	093301—093325	098226—098250				
082976—083000	087651—087675	093326—093350	098251—098275				
083026—083050	087701—087725	093351—093375	098301—098325				
083076—083100	087776—087800	093376—093400	098326—098350				
083101—083125	087801—087825	093401—093425	098351—098375				
083151—083175	087851—087875	093426—093450	098376—098400				
083176—083200	087901—087925	093451—093475	098401—098425				
083276—083300	088001—088025	093501—093525	098426—098450				
083301—083325	088026—088050	093526—093550	098451—098475				
083376—083400	088076—088100	093551—093575	098501—098525				
083451—083475	088101—088125	093576—093600	098551—098575				
083501—083525	088176—088200	093676—093700	098601—098625				
083576—083600	088226—088250	093726—093750	098676—098700				
083601—083625	088251—088275	093751—093775	098776—098800				
083626—083650	088426—088450	093826—093850	098851—098875				
083651—083675	088451—088475	093851—093875	098926—098950				
083676—083700	088576—088600	093901—093925	098951—098975				
083726—083750	088601—088625	093926—093950	099001—099025				
083776—083800	088776—088800	094001—094025	099026—099050				
083801—083825	088801—088825	094026—094050	099051—099075				
083826—083850	088851—088875	094101—094125	099076—099100				
083851—083875	088876—088900	094126—094150	099126—099150				
083876—083900	088926—088950	094201—094225	099176—099200				
083926—083950	089026—089050	094276—094300	099226—099250				
083951—083975	089076—089100	094301—094325	099251—099275				
083976—084000	089126—089150	094326—094350	099276—099300				
084001—084025	089176—089200	094351—094375	099301—099325				
084076—084100	089226—089250	094376—094400	099326—099350				
084101—084125	089251—089275	094401—094425	099376—099400				
084126—084150	089401—089425	094426—094450	099401—099425				
084151—084175	089451—089475	094476—094500	099451—099475				
084276—084300	089526—089550	094501—094525	099476—099500				
084351—084375	089551—089575	094576—094600	099551—099575				
084376—084400	089576—089600	094626—094650	099626—099650				
084401—084425	089626—089650	094651—094675	099651—099675				
084426—084450	089676—089700	094676—094700	099676—099700				
084451—084475	089701—089725	094701—094725	099776—099800				
084501—084525	089726—089750	094801—094825	099801—099825				
084576—084600	089751—089775	094826—094850	099851—099875				
084626—084650	089826—089850	094851—094875	099926—099950				
084651—084675	089851—089875	094901—094925	099951—099975				
084701—084725	089876—089900	094951—094975	099976—100000				

Жадвалга изоҳ

СССР халқ хўжалигини тиклаш ва ривожлантириш бешинчи давлат заёмининг облигациялари пулини тўлаш серия группалари бўйича ўтказилди. Шу боисдан жадвалда кўрсатилган серия номерлари қаторига 1957 йил 19 апрелгача ўйналган тиражларда ютуқ чиққан ёки пули тўланган серия номерлари ҳам киритилди. Кўрсатилган тиражлар жадвали бўйича облигацияларни омонат кассаларида текшириш мумкин. Ушбу тиражда пули тўланадиган облигациялар қиймати 1 миллиард 276 миллион сўмни ташкил этади.

СССР халқ хўжалигини тиклаш ва ривожлантириш бешинчи давлат заёми облигацияларининг пулини тўлаш тиражида 1961 йил 1 январда ўтказилган нарх кўлами ўзгарувининг 10 т: 1 тга нисбати ҳисобга олинган ҳолда қуйидаги миқдорда тўланади:

Облигацияда кўрсатилган	Тўланади
500 сўм	50 сўм
200 сўм	20 сўм
100 сўм	10 сўм
50 сўм	5 сўм
25 сўм	2 сўм 50 тийин
10 сўм	1 сўм

Ушбу жадвал расмий ҳужжат бўлиб, омонат кассалари 1981 йил 6 октябрдан бошлаб тиражда чиққан облигацияларнинг пулини тўлайдилар.

Комиссия раиси — Халқ депутатлари Москва шаҳар Сокольники район Совети ижроия комитетининг раиси Д. Д. ИЛЬИН.

Комиссия масъул секретари — Л. П. ЕСИНА.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БУГУН

МОСКВА-I. 9.00 — Время. 9.40 — Гимнастика. 10.05 — Мультфильм. 10.20 — Телевизион спектакль. 11.35 — Концерт. 11.50 — Киносаёҳатчилар клуби. 12.50 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильм. 11.50 — Звездочёт. 16.35 — Концерт. 17.05 — Рус гили. 17.35 — Ёшлар адреслари. 18.35 — Инсон ва қонун. 19.05 — Мультфильм. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30 — ГДР телевидениесининг республика эълон қилинганлигининг 32 йиллигига бағишланган программаси. 21.30 — Время. 22.05 — Поэзия альманахи. 23.25 — Дунё воқеалари. 23.40 — Ёз кечаси сюитаси.

МОСКВА-IV. 9.00 — Время. 9.45 — Ҳужжатли фильм. 10.05 ва 12.05 — Француз тили. 10.35 ва 11.35 — Тарих. 11.05 — Поэзия. 12.40 ва 13.40 — Ўқув кўрсатуви. 13.10 — Шахмат мактаби. 14.10 — Халқ ҳунарлари. 14.40 — Физика. 15.10 — Жамилтшунослик. 15.40 — Умумий биология. 16.10 — А. М. Горький. Америка ҳақида очерклар. 16.45 — Ҳужжатли фильм. 19.30 — Халқ оҳанглари. 19.45 — Ҳужжатли фильм. 20.30 — Қалбга яқин қўшиқлар. 21.15 — Тунинг хайрли бўлсин, кичкинтойлар. 21.30 — Время. 22.05 — Кузгари тўйлар. Бадиий фильм.

ТОШКЕНТ-I. 18.20 — Мультфильм. 18.30 — Қувноқлар даврасида. 19.00 — Реконструкция суръати ошмоқда. «Совет Ўзбекистони» газета редакцияси ва Ўзбекистон телевидениесининг биргаликдаги рейди. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Ёзувчилар пахтакорлар ҳақида. 20.00 — Фильм-концерт. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Концерт. 21.30 — Время. 22.05 — Хирмонингизга барака. 22.20 — Қотиб қолган чақмоқлар. Бадиий фильм. 2-серия.

ТОШКЕНТ-II. 18.05 — Ҳужжатли фильмлар. 18.50 — Эстетика асослари. 19.30 — Ешлик. 20.00 — Янгиликлар. 20.20 — Экранда Москва сатира театри. Бадиий фильм. 21.30 — Москва. IV-программаси.

РАДИО

БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 — Ўзбек композиторларининг қўшиқлари. 9.35 — ГДР эстрадаси артистларининг концерти. 12.10 — Ўзбекистон ишчиси. 13.00 — Чорвачилик — зарбдор фронт. 14.00 — Пахта йиғим-теримининг суръати ва сифати — бош вазифа. 18.15 — Ешлик. 19.25 — М. Раҳимова ва М. Қозоқбоев куйлайди. 20.50 — Фан ютуқлари — амалиётга. 21.00 — Сатрларда давр нафаси. 21.20 — Механизаторлар, сизлар учун. Концерт. 22.30 — Қўшиқларимиз сизга аталган, меҳнат ветеранлари. 23.15 — Қиз қалби. Лирик концерт.

МАРКАЗИЙ «ЮБИЛЕЙ» СПОРТ ЗАЛИДА

СССР биринчилиги учун «А» класс биринчи лигасининг командалари ўртасида

ХОККЕЙ

8, 9 октябрь соат 18.30 да «ЛОКОМОТИВ» (Москва) — «БИНОКОР» (Тошкент).

12, 13 октябрь соат 18.30 да «МЕТАЛЛУРГ» (Череповец) — «БИНОКОР» (Тошкент).

17, 18 октябрь соат 17.00 да «АВТОМОБИЛИСТ» (Свердловск) — «БИНОКОР» (Тошкент).

29, 30 октябрь соат 18.30 да «САЛАВАТ ЮЛАЕВ» СПОРТ КЛУБИ (Уфа) — «БИНОКОР» (Тошкент).

Билетлар сотилмоқда.

Театр

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 6/X да Келинлар қўзғолони, 7/X да Келинлар қўзғолони (12.00), Алмандар (19.30).

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 7/X да Кулги кечаси.

Нефть ва газ саноати ходимлари касаба союзининг Ўзбекистон республика комитети президиуми ва аппарати ҳамда «Ўзбекнефть» бирлашмаси ва «СредазНИПИнефть» институти коллективлари нефть ва газ саноати ходимлари касаба союзининг Ўзбекистон республика комитети раиси М. М. Муҳамедова отаси

Муҳаммадҳон МУСАЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

Тошкент политехника институти ва институт трактор ва қишлоқ хўжалик машинасозлиги факультети коллективлари машина деталлари кафедрасининг катта ўқитувчиси С. У. Мусаевга онаси

Шаҳодат МУСАЕВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

Нон исроф бўлмасин

ҲАММАНИНГ БУРЧИ

Кейинги пайтларда матбуотда босилган ризқ-рўзимиз ҳисобланган нонни қадрлаш ҳақидаги мақолаларни ўқиб, телевидение эшиттиришларини томоша қилар эканман, ана шу ташаббусни бошлаган ташкилотчиларга раҳматлар айтгим келади.

Мактабдан ва синфдан ташқари машғулотлар тематикасини тузганда, олий ўқув юртларида ўқилаётган лекцияларда, ётоқхоналардаги ўтказилаётган суҳбатларда нонни эъзозлаш масалаларини киритиш, бу ҳақда суҳбатлар ўтказиш фойдадан ҳоли бўлмаса керак. Фикримизча, ёшлар ўртасида ўтказилаётган суҳбатларда Улуғ Ватан уруши қатнашчиларинг, уруш йилларида очарчиликни ўз бошидан ўтказган кишиларнинг чиқишлари ташкил этилса, суҳбатнинг таъсирчанлиги янада ортади.

Мен Тошкент давлат медицина институтида фалсафадан лекция ўқийман. Лекция пайтларида, айниқса, ахлоқ-одоб ҳақида гап кетганда, ҳаёт таассуротларидан мисол келтирар эканман, албатта студентлик йилларимиз ҳақида тўхтаб ўтаман.

Ҳақиқатан ҳам менинг дастлабки студентлик йилларим 1946—1948 йилларга, урушдан кейинги қийинчилик пайтларига тўғри келган эди. У пайтларда, айниқса, 1946—1947 йилларда карточка системаси бўлиб, бизга бир суткада 500 грамм қора нон берилар эди. Шу нонни ҳам 5—6 соатлаб навбат кутиб олишга тўғри келарди. Шу нонни магазиндан олиб, бир йўла истеъмол қилиб, яна бир суткага оч юраверар эдик.

Мен студентлар билан пахта даларида, қурилишларда бўлганимда, улар ўртасида шу ҳаётий мисолларни албатта келтираман. Нонга нотўғри муносабатда бўлинаётганини гапириб бераман. Эсимда бор, 1978 йилнинг куз ойлари эди. Пахта терими ҳашарида тушки овқатни истеъмол қилиб, ўрнидан қўзғалаётган бир студент идишини ювишга сув қолмаганлиги сабабли уни нон бурдаси билан тозаладида, нонни пахта даласига улоқтириб юборди. Мен студентнинг фамилиясини аниқлаб, кечки суҳбатда унинг хатти-ҳаракатини қораладим. Ленинград қамали пайтидаги аҳвол, очарчилик ҳақида, уруш орқасидаги қишлар қунжарани истеъмол қилганликлари ҳақида мисоллар келтирдим. Дастлаб, нон ҳам проблемами, деб жавоб берган студент суҳбат охирида ўрнидан туриб, кечирим сўради.

Бу суҳбат бошқалар учун ҳам ибрат бўлиб, ҳар куни чиқиндига чиқадиган нон миқдори камайган эди. Бизнинг фикримизча, нонни тежашга мактаб, маориф, олий ўқув юртлари ўқитувчиларини, ота-оналарни актив жалб этиб, бу масала тарбиявий ишлар планига киритилса, ҳайрли иш қилинган бўлур эди.

Я. ТУРМУҲАМЕДОВ,
Тошкент давлат медицина институти фалсафа кафедрасининг доценти.


МАИШИЙ ХИЗМАТ КОМБИНАТИ

Беруний райони меҳнаткашлари учун яна бир қулайлик яратилди. Бу ерда янги маиший хизмат комбинати қурилиб ишга туширилди. Комбинатда Германия Демократик Республикасидан келтирилган «Специма-212» маркали кир ювиш машинасидан самарали фойдаланилаётир. У билан ҳар сменада 190-200 килограммгача кийим-кечак тозаланмоқда.

Р. ЕШИМБЕТОВ.
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

Наманган. Бу ерда янги стоматология поликлиникаси очилди. У Ўзбекистон ССР 50 йиллиги номли шойи газламалар комбинати меҳнатчиларига хизмат кўрсатади. Поликлиникада хирургия, терапия, физиотерапия кабинетлари ишлаб турибди. Кабинетлар замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган. Суратда: поликлиниканинг умумий кўриниши.

Ҳ. Ҳайдаров фотоси. (ЎзТАГ).



Екатерина Максимовна ЕРШОВА

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан арбоби, 1941 йилдан КПСС аъзоси Екатерина Максимовна Ершованинг юраги уришдан тўхтади.

Екатерина Ершова 1895 йилда Москва областининг Демьяново қишлоғида туғилди. У 1924 йилда Тимирязев номидаги Қишлоқ хўжалик академиясини битириди ва ўша йилдан бошлаб ўзининг бутун онгли ҳаётини чорвачиликни, қишлоқ хўжалик фанини ривожлантиришга бағишлади.

Е. М. Ершова 1932 йилдан 1942 йилгача Ўзбекистон чорвачилик илмий-тадқиқот институтининг катта илмий ходими, директори бўлиб ишлади. У юқори малакали тажрибали мутахассис, қобилиятли ташкилотчи сифатида партия ишига кўтарилди.

Е. М. Ершова 1943—1947 йилларда Ўзбекистон Компартияси Тошкент область комитетининг бўлим мудири ўринбосари, секретарь ёрдамчиси, чорвачилик бўлими мудири, 1947 йилдан 1963 йилгача эса Ўзбекистон чорвачилик илмий-тадқиқот институтида раҳбар лавозимларда ишлади.

Екатерина Максимовна 1963 йилдан умрининг сўнгги кунларигача Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалиги министрлиги аппаратида фан бош бошқармаси бошлиғининг ўринбосари, фан-техника ва илғор тажриба ютуқларини пропаганда қилиш ва жорий этиш бошқармаси фан-техника советининг илмий секретари бўлиб ишлади.

Е. М. Ершованинг чорвачилик ва озуқа ишлаб чиқариш соҳасидаги илмий фаолияти кўп қиррали эди. У 60 дан зиёд илмий иш тайёрлаган ва эълон қилган эди.

Е. М. Ершова хўжалик ва илмий ишини актив жамоатчилик фаолияти билан муваффақиятли қўшиб олиб борди. У Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати, Ўзбекистон Компартияси Ревизия комиссиясининг аъзоси, Тошкент область партия комитетининг аъзоси қилиб сайланган эди.

Е. М. Ершованинг қишлоқ хўжалигини ривожлантиришдаги хизматлари партия ва ҳукуматимиз томонидан юксак баҳоланди. У Ленин ордени, Октябрь Революцияси, Меҳнат Қизил Байроқ, «Ҳурмат Белгиси» орденлари, СССР медаллари ва Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиқлари билан мукофотланган эди.

Е. М. Ершовани колхозчилар, совхозларнинг ишчилари, қишлоқ хўжалиги мутахассислари меҳрибон устоз, тажрибали чорвадор сифатида жуда яхши билишарди.

Ватаннинг садоқатли фарзанди, фаол коммунист, чорвадор ва олим Екатерина Максимовна Ершованинг номи республика меҳнаткашлари ҳотирасида ҳамиша сақланиб қолади.

БИР ГРУППА УРТОҚЛАРИ.

Редактор
М. ҚОРИЕВ.

Р. 02247. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64583. Б. — 231.